2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 42 (1103), 2024 йил 28 февраль, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА САНОАТ, ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёевга 27 февраль куни Тошкент шаҳрида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан ахборот берилди.**

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини рўёбга чиқариш, аҳолининг уй-жой шароитлари ва шаҳарлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича қатор мақсад ва вазифалар белгиланган.

Бугунги йиғилишда бу борадаги ишларни пойтахтда ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни соддалаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида акциядорлик жамияти шаклида "Тошкент инвест компанияси" ташкил этилган. Компания бўш ер участкалари негизида инвестиция лойиҳалари ва давлат-хусусий шериклик, шу жумладан, реновация лойиҳаларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Шу муносабат билан давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби, пойтахтда реновация лойиҳаларини амалга ошириш тартиби, "ҳаётий давр шартномаси" асосида ҳамкорлик қилиш тартиби тасдиқланмоқда.

Тақдимотда Янгиҳаёт туманининг саноат салоҳиятини ошириш ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилиши режалаштирилган "Янги авлод" махсус саноат зонаси тўғрисида ахборот берилди. 664,5 гектар майдонни эгаллайдиган саноат зонаси ҳудудида яқин йилларда 1,5 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ўзлаштириш, 2,5 мингта янги иш ўринларини яратиш, йилига 1 триллион сўмдан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва 5 миллион доллар миқдорида экспортни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Пойтахтда туризм хизматлари ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Шу мақсадда Тошкентнинг Миробод, Олмазор, Чилонзор, Учтепа, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой ва Яшнобод туманларида тегишли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш режалаштирилган. Дастурда гастрономик туризм ва "ҳунармандлар" кўчаларини ташкил этиш, замонавий савдо-сервис объектлари ва меҳмонхоналар қуриш, каналлар бўйида яшил ва дам олиш ҳудудларини барпо этиш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишларни маҳалла даражасида ташкил этиш, бунда маҳаллаларнинг ўсиш нуқталарини аниқлаб, муайян фаолият турига ихтисослаштириш ва ҳудудларни кўкаламзорлаштириш бўйича "Андижон тажрибаси"дан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган ҳужжат лойиҳалари ва таклифларни маъқуллаб, уларнинг ижросини сифатли ва самарали ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга қатор топшириқлар берди.

**ЎзА**

## Биз ва дунё

## Самарқандга йўл:

### 2025 ЙИЛДА ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 43-СЕССИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИГАН МАНЗИЛ

**БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси томонидан "Самарқандга йўл: 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказиладиган манзил" мавзусида брифинг ўтказилди.**

Тадбирда БМТнинг юқори мартабали вакиллари, жумладан, бош котиб аппарати раҳбари Эрл Кортеней Раттрей, бош котибнинг Бош ассамблея ва конференция ишлари бўйича ўринбосари Мовсес Абелиан, бош котибнинг Европа, Америка ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча, шунингдек, Туркия, Саудия Арабистони, Миср, Озарбайжон, Арманистон, Германия, Франция, Люксембург, Швейцария, Корея Республикаси, Қатар, Марокаш, Малайзия, Баҳрайн, Руминия, Сингапур каби давлатларнинг доимий вакиллари ҳамда диаспора ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Ойбек Ҳамроев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашди.

Иштирокчиларга бўлажак ЮНЕСКО Бош конференциясини юқори ташкилий ва мазмунан бой тарзда ўтказиш учун Самарқанд шаҳрида яратилган шарт-шароитлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Тадбиркорлик ва маданий, тиббий ва гастрономик туризм объектларини ўзида мужассам этган янги йирик "Ипак йўли" мажмуасининг имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар, шунингдек, Самарқанднинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти билан ҳам яқиндан танишди.

*Давоми 2-бетда*




# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

**26 февраль куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган "2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили" резолюцияси бир овоздан маъқулланди.**

Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ушбу резолюцияга 80 дан ортиқ аъзо мамлакат ҳаммуаллифлик қилди.

Ҳужжат матнини мувофиқлаштириш бўйича маслаҳатлашувларда Россия, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Туркия, Германия, Буюк Британия, Европа Иттифоқи делегацияси, Япония, Корея Республикаси, Миср, Бразилия, Аргентина каби етакчи давлатларнинг экспертлари фаол иштирок этди ва резолюция мазмунини бойитишга муҳим ҳисса қўшди. БМТга аъзо давлатлар вакиллари ушбу резолюциянинг тақдим этилиши ўз вақтида ва долзарб эканини қайд этдилар.

Ҳужжатнинг бош мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил октябрида Самарқандда бўлиб ўтган БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида туризм соҳасининг янги муаммолар ва замонавий хатарлар олдида барқарорлиги ва мослашувчанлиги борасида билдирилган фикрларига асосланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан туризмнинг турли цивилизациялар бой маданий меросини асрашда, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашда, халқларнинг қадриятларини ҳурмат қилишда муҳим ўрин тутиши тўғрисида баён этилган тамойиллар ушбу резолюцияда мустаҳкамланган.

Албатта, Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган мазкур резолюция бир овоздан қабул қилингани ҳам бежиз эмас. Боиси, кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳаси жадал ривожланмоқда, бу борада йирик лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, салкам юзта мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш, яна 55 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилди.

Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида туристик инфратузилмани яхшилаш учун 1 миллиард доллардан ортиқ маблағ инвестиция сифатида киритилди. Қадимий ва ҳамиша навқирон бу шаҳарда "Ипак Йўли" сайёҳлик маркази қад ростлади. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туризм полицияси ташкил этилди.

"Амирсой" қишки курорти, "Афсоналар водийси", "Зомин" ва "Чорвоқ" зоналари кўплаб хорижий сайёҳлар эътиборини тортадиган халқаро туризм масканларига айланди.



Бу каби таъсирчан чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда. Ўзбекистон Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг "энг тез ривожланаётган туризм масканлари" рўйхатида, шунингдек, машҳур "Геллоп" ижтимоий тадқиқот марказининг "Сайёҳлик учун энг хавфсиз давлат" рейтингида юқори ўринларни эгаллагани ҳам фикримиз далилидир.

Жумладан, 2023 йили Самарқандда ЮНВТО Бош Ассамблеяси сессияси ўтказилгани ҳам тарихий воқеа сифатида тан олинди.

Мазкур сессияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сургани ҳам жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. **Туристларнинг кафолатланган хавфсизлик тизимини таъминлаш, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бораётган даврда "яшил" туризмни ривожлантириш бўйича халқаро Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш, "Яшил" туризмни жорий этиш бўйича энг яхши шаҳар" номинациясини таъсис этиш** каби қатор таклиф ва ташаббуслар шулар жумласидандир.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг ушбу сессиядаги нутқидан иқтибос келтирамиз: **"Туризм мамлакатларимизнинг умумий фаровонлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилидир, десак, муболаға бўлмайди. Айни пайтда, у жаҳон халқлари ўртасида маданий алмашувларни кучайтирадиган, бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлайдиган қудратли воситадир".**

Афсуски, кейинги йилларда ўзгариб бораётган дунё манзараси — давлатлараро кузатилаётган низолар, беқарор вазиятлар, таҳликали сиёсий муносабатлар туризм соҳасини ҳам инқирозга бошламоқда. Давлатимиз раҳбари Самарқанд минбарида туриб таъкидлаганидек, **минг афсуски, бу жараёнлар оқибатида жозибадор ва анъанавий йўналишларда туризм салоҳияти ва сайёҳлар сони кескин пасаймоқда, хавфсиз туризм учун доимий тусга эга бўлган хатар ва таҳдидлар ортмоқда, уларнинг салбий таъсири қўшни минтақаларга ҳам тобора кенгроқ тарқалмоқда, бутунжаҳон маданий мерос объектлари ва кўҳна архитектура ёдгорликлари вайрон қилинмоқда ва ҳатто айримлари Ер юзидан йўқ бўлиб кетмоқда. Бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун барчамиз ҳамжиҳат ва якдил бўлиб, бор куч ва саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз керак.**

Дарҳақиқат, бугунги давр руҳи ўзаро ҳамжиҳатликда ривожланиш, бағрикенглик ва бирдамлик муҳитига катта эҳтиёж борлигини англатиб турибди. Шу боис, 2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили, деб эълон қилиниши нотинч ва таҳликали вазиятларни юмшатиш, давлатлар ва минтақалараро иқтисодий барқарорликни таъминлаш, камбағаллик билан курашишда муҳим аҳамият касб этади. Буни 2022 йили дунё миқёсида салкам бир миллиард турист хорижга саёҳат қилгани, бу пандемияга қадар бўлган кўрсаткичнинг салкам 70 фоизини ташкил этгани ва рақамлар йил сайин ўсиб бораётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Бу ўринда икки муҳим жиҳат алоҳида эътиборлидир: **биринчиси — барқарорлик, иккинчиси — яшовчанлик.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ доирасида ҳам, бошқа нуфузли халқаро тузилмалар минбарларида ҳам бутун дунёда тинчликни сақлаш, ўзаро боғлиқликда ривожланиш ташаббусларини илгари суриб келади. Бу жиҳатлар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили" резолюциясида ўз аксини топгани замирида катта маъно бор. Бу, аввало, **туризмни ривожлантириш орқали дунёда барқарор тараққиётга эришиш мумкинлигини англатса,** уни тўлдирувчи сифатида **яшовчанлик муҳитини асраб қолишга бўлган эҳтиёж ва интилиш мақсадларини ўзаро мужассамлаштиради.** Бир гап билан айтганда, **барқарорлик бор жойда яшовчанлик муҳити бўлади.**

Энди ҳужжатдаги бир қатор бошқа мақсадларга тўхталамиз. Жумладан, мазкур резолюцияда экология, биохилма-хилликни асраш ва атмосферанинг ифлосланишини камайтириш йўлида "яшил" туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Резолюция 2027 йилни Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили деб эълон қилишни қарор қилади ҳамда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилотини ҳукуматлар, БМТ тизимидаги тузилмалар, минтақавий ташкилотлар билан биргаликда йилни муваффақиятли ўтказиш учун комплекс чоралар кўришга чақиради.

Резолюцияда барқарор туризмни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни таъминлаш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилувчи экотуризмни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланади.

Резолюция барча манфаатдор томонларга барқарор ва яшовчан туризмни камбағалликни бартараф этиш, аёллар, ёшлар, кексалар ва ногиронларнинг иштирокини рағбатлантириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ҳамда муносиб иш жойлари ва даромад манбаларини яратишнинг муҳим воситаси сифатида фаол илгари суришни тавсия этади.

Ҳужжат билан БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилотига ушбу резолюциянинг амалга оширилиши юзасидан БМТ Бош Ассамблеясининг 83-сессиясида (2028 й.) ахборот бериш, бунда Халқаро йил қай даражада ўтказилганини баҳолашга алоҳида эътибор бериш топширилди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган резолюция туризм саноатининг глобал даражада янги босқичга кўтарилишини бошлаб беради.

## Уйғоқ фикр

# *Ватан нима?* ВАТАНПАРВАРЛИК-ЧИ?!



**Инсониятнинг онгли ҳаёти давомида қарийб 14,5 мингта катта-кичик уруш бўлган. Бу урушлар туфайли миллионлаб одам, тинч аҳоли қурбон берилди. Мамлакатлар иқтисодиёти издан чиқди. Узоқ йиллар давомида шаклланган миллий маданий мерос йўқ қилинди. Тараққиёт ортга суриб ташланди.**



Бу хунрезликлар ҳеч қачон тўхтамади. Парадокс ҳолат: инсоният тафаккур тарзи бойиб боргани сари урушлар, вайронагарчиликлар тўхташ ўрнига янги сифатлар билан "бойимоқда". Қурол-яроғларнинг энг замонавий турларини ишлаб чиқиш, одамларни оммавий қиришга йўналтирилган, авваллари ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмаган "ақлли" ракеталар, ўқ-дорилар ишлаб чиқариш "мусобақаси" кучаймоқда.

**Барчани ташвишга соладиган жиҳат шуки, илм-фан тараққий этгани, кишиларда зиёлилик сифати ошгани, маърифатли дунёни барпо этишнинг инсоният учун зарурлик даражаси кўпайгани сари уруш олови тобора кенгайиб бормоқда.** Аслида, акси бўлиши мумкин эмасми? Наҳотки, қанчадан-қанча урушлар натижасида юз берган йўқотишлар, вайронагарчиликлардан чиқарган хулосаларимиз, уларнинг оқибати ҳақидаги кино, театр асарлари, ёзилган китоблар, қилинган панд-насиҳатлардан инсоният хулоса чиқара олмаса!..

Биз бугун мана шу таҳликали дунёда бундай урушлар, йўқотишларнинг асл сабабини топиш, ундан зарур хулосалар қилиш мамлакатимиз ва миллатимизнинг келажаги билан боғлиқ эканини англашимиз зарур бўлмоқда. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ўтган йил охирида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари биз бугун дунёда юз бераётган ғоявий-мафкуравий соҳадаги рақобатга тайёрмизми, деган саволни қўйиб, у биз учун бу ёруғ дунёда "ўзбек", "Ўзбекистон" деган номлар билан яшаб қолишни белгилаб берадиган, келажакдаги тақдиримиз билан уйғун масала эканига яна бир бор эътиборимизни қаратди.

*Давоми 3-бетда*

**Очиғи, бундан атиги 3-4 йил аввал ҳам Жарқўрғон туманидаги Қора янтоқ маҳалласида замонавий шаҳарча бунёд этилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Тўғрида, фақат қум барханларидан иборат, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган ҳудудда оддий гиёҳ ундиришнинг ўзи мушкул эди. Узоқни кўзлаб, пухта ўйланган лойиҳа асосида бугун бу ерда замонавий шаҳарча инфратузилмаси яратилмоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Муносабат

# ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ФУРСАТИ

## БУНИНГ УЧУН ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

**Президентимизнинг жорий йил 21 февралдаги фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида жами 100 та мақсад, 400 дан ортиқ кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Эътиборлиси, белгиланган амалий тадбирлар жамиятимиз ривожи, давлатимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, ҳар биримизнинг фаровонлигимизни кечагига нисбатан яхшилашга қаратилгани билан ўта муҳимдир.**

Шу ўринда жорий йилги давлат дастурининг баъзи бир ўзига хос жиҳатларига тўхталмоқчиман. Бизга энг маъқул бўлган жиҳати, ҳужжатда ёшлар масаласига комплекс ёндошилгани бўлди.

Маълумки, маҳаллаларда ёшлар етакчиси фаолияти йўлга қўйилган. Улар энг қуйи тизимда ёшлар муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиш ишларига масъул. Тан олиш керак, ёшлар етакчиларининг бугун биз айтаётган "маҳалла еттилиги" тизимидаги ўзаро интеграцияси сезилмаётган эди. Бу — уларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи билан боғлиқ. Дастурда эса айни масала ўз ечимини топган. Яъни 74-мақсадда маҳалла фаолиятини рақамлаштириш, бунда маҳалланинг ягона платформасини жорий қилиш орқали нафақат "еттилик", балки уларнинг фаолиятига алоқадор тизимлар базалари билан мазкур платформани интеграция қилиш вазифаси белгиланган.

Аҳамиятлиси, давлат дастурида муаммо ва унинг ечими, янги ташаббуслар, лойиҳалар, уларни амалга оширишнинг аниқ механизми ва молиялаштириш масалалари ҳал қилинган.

Тўғрисини айтиш керак, болаларни мактабга махсус автобуслар олиб кетганини кўпчилигимиз хориж киноларида кўрганмиз. Ҳақиқатан, бу кўпгина ривожланган давлатларда йўлга қўйилган. Бунга ҳавас қилганимиз ҳам рост.

Давлат дастури билан танишиб чиқиб, энг қувонганим мактаб ўқувчилари учун ана шундай имконият яратилаётгани бўлди. Жорий йил 1 сентябрдан бошлаб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тажрибасинов тариқасида умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиган ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар қатнови йўлга қўйилади.

> **“ Тўғрисини айтиш керак, болаларни мактабга махсус автобуслар олиб кетганини кўпчилигимиз хориж киноларида кўрганмиз. Ҳақиқатан, бу кўпгина ривожланган давлатларда йўлга қўйилган. Бунга ҳавас қилганимиз ҳам рост. ”**

Бу биринчидан, таълим сифати, қолаверса, болаларнинг хавфсизлик масаласида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шу йил 1 мартдан бошлаб алоҳида ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъдодли ва қобилиятли ёшлар "Ёшлар баланси" асосида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат иштирокидаги корхона-ташкилотлар ва олий таълим муассасалари раҳбарларига бириктирилади. Бунда ўша раҳбарлар ҳар ойда камида бир маротаба ўзига бириктирилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳар томонлама кўмаклашади.

Яна бир муҳим жиҳат, ёшларнинг салоҳияти, истеъдоди ва ташаббусларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида 1 мартдан бошлаб маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар тизимида мукофот жамғармаси 600 миллион сўм миқдорида хорижий тиллар бўйича танловлар, киберспорт мусобақалари ва "Заковат" интеллектуал ўйинлари ташкил этилади. Касблар танловида ғолиб бўлган ёшлар "Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳисобидан жиҳозланган устахоналар билан таъминланади.

Тадқиқотларга кўра, юртимизда янги битта кичик ва ўрта бизнес субъектининг фаолият бошлаши ЯИМга қўшимча 100 минг доллар миқдорида улуш олиб киради. Дастурда комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш жараёнида 2 миллион инсонни бизнесга жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш орқали 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш вазифаси белгиланган шу жиҳатдан ҳам ғоят муҳимдир.

Бугун юртимизда иш билан банд аҳолининг 70-75 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Шундай экан, бундай корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратилиши иқтисодий ўсишга, бюджет тақчиллиги ошиб кетмаслигига ижобий таъсир кўрсатади. Ана шу мақсадда оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имконият яратиш мақсадида 2024 йил 1 июндан бошлаб "Ёш тадбиркор" танлови ўтказилади.

Ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича "Устоз" махсус платформаси ишга туширилиб, дастлабки босқичда мазкур платформа орқали 150 минг йигит-қиз қамраб олинади. Шунингдек, "Қизлар академияси" платформаси яратилиб, ёш хотин-қизлар тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатилади ва улар учун турли танловлар ўтказилади. 1 мартдан бошлаб "Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи" дастури жорий этилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат дастурида ёшларнинг ҳаётига янгилик ва енгиллик олиб кирадиган бундай ташаббуслар кўп. Бу йил, том маънода, биз ёшларнинг йили — рағбат ва ишончни оқлаш фурсати бўлади. Шундай экан, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар берилаётган имконият ва имтиёзлардан тўғри ва самарали фойдаланишимиз керак.

**Ситора ИБРОҲИМОВА,**
*Тошкент давлат юридик университети талабаси*

Бунёдкорлик

# СУРХОНДАРЁДА ТЎРТТА ШАҲАР ҚУРИЛМОҚДА



**Сурхондарё вилоятининг ғарбида жойлашган Бойсундан 130 чақирим ёки воҳа шимоли Деновдан 150 километр йўл босиб, Термиз шаҳрига келган киши борки, олисдан ҳам кўриниб турган 16 қаватли вилоят ҳокимлиги биносини осонгина топа оларди. Негаки, нафақат шаҳарда, балки вилоятда биттагина беш қаватдан юқори бино айнан шу эди.**

Бойсунлик Дилноза Одилова бундан ўн йиллар олдин илк бор вилоят марказига келганида бу бинога ҳайратланиб қарагани ҳам бор гап. У пайтлар Сурхондарёда тўрт қаватли бинодан баландроқ бино қуриб бўлмайди, давлатнинг имконияти ҳам етмайди, деган "тушунарсиз" тушунча бор эди. Орадан йиллар ўтиб, тоғли Бойсуннинг ўзида "Янги Ўзбекистон" массивида бунёд этилган 8-9 қаватли хонадонлардан бирининг калитини қабул қилиб олаётганда Дилноза Одилованинг қувончи чексиз бўлди. Ёлғизгина ногирон фарзандини бир ўзи вояга етказиб келаётган Дилноза шу кунга қадар ўз уйига ҳам эга эмасди.

— Қизимнинг узоқ йиллик орзуси ушалди. Энг чекка жойларда ҳам инсон қадрини улуғлаш дегани, шу бўлса керак. Қизим бу ислоҳотлардан миннатдор. Иккинчи томондан, тоғлар орасида жойлашган Бойсунда осмонга бўйлаган кўпқаватли уйлар қурилишини тасаввур қилолмаганмиз. Ҳозир кўз ўнгимизда шундай иморатлар қад ростлаяптики, бундан кўз қувнайди, — дейди Дилнозанинг отаси Каромат бобо Одилов.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрда "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, юртимиз бўйлаб туман ҳамда шаҳарлар марказига яқин ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда жами 29 та "Янги Ўзбекистон" массиви қурилиши белгиланди. Мазкур массивларда 619 та уй-жой қурилиши ҳисобига 21 минг 312 хонадон жойлашиши, шу билан бирга, 18 та мактаб, 24 та боғча ва 15 та тиббиёт муассасаси барпо этилиши кўзда тутилган.

Фармон асосида Сурхондарё вилоятининг тўртта ҳудуди — Ангор, Жарқўрғон, Сариосиё ва Бойсун туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари бунёд этилмоқда.



Мазкур массивларда жами 1600 хонадонли кўп қаватли уйлар қуриляпти. Янги уйларга кўчиб келадиган аҳоли сонини ҳисобга олган ҳолда вилоятда бунёд этилаётган ҳар бир массивда мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, чойхона, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳлари, оилавий поликлиникалар каби ижтимоий соҳа объектлари ҳам барпо этиляпти.

Очиғи, бундан атиги 3-4 йил аввал ҳам Жарқўрғон туманидаги Қора янтоқ маҳалласида замонавий шаҳарча бунёд этилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Тўғрида, фақат қум барханларидан иборат, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган ҳудудда оддий гиёҳ ундиришнинг ўзи мушкул эди. Узоқни кўзлаб, пухта ўйланган лойиҳа асосида бугун бу ерда замонавий шаҳарча инфратузилмаси яратилмоқда.

— Сайхон деб номланган кичик чўл, ундан нари эса Боботоғ кўриниб туради. Биз болалигимизда бу кенгликларда отар боқардик. Бийдек яланглик эди. Бир қўй адашса, юлғунзордан топиб бўлмасди. Мана шу жойда икки-уч йил ичида чиройли шаҳар бунёд бўляптики, кўзингиз қувнайди, — дейди меҳнат фахрийси Соат Жумаев.

Маълумот учун, 2026 йилга қадар ушбу массивда 86 та кўп қаватли уйлар, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма қурилиши белгиланган. Шу кунга қадар массивда 14 та 5 қаватли 352 хонадонли турар жой, 180 ўринли МТТ, 50 ўринли қишлоқ оилавий поликлиникаси ва 330 ўқув ўринли мактаб бинолари фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда вилоятнинг Ангор ва Сариосиё туманларида ҳам шундай массивлар қурилиши бошлаб юборилган. "Янги Ўзбекистон" массивларининг қурилиш ишларида ҳудуд иқлими, географик жойлашуви ҳам ҳисобга олиняпти.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
*"Янги Ўзбекистон" мухбири*

Биз ва дунё

# Самарқандга йўл:

## 2025 ЙИЛДА ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 43-СЕССИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИГАН МАНЗИЛ



▶ **Бошланиши 1-бетда**

Таъкидланганидек, кейинги йилларда қадимий ва бетакрор Самарқанд бир қатор долзарб масалалар юзасидан глобал мулоқот марказига айланди. Сўнгги олти ой ичида шаҳарда БМТ мандати остида учта форум бўлиб ўтди. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессияси, БМТнинг Чўлланишга қарши кураш конвенциясини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-йиғилиши ва БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси (CMS COP14) Томонлар конференциясининг 14-йиғилиши шулар жумласидандир.

Самарқанд 1985 йилдан буён ЮНЕСКО Бош конференцияси унинг бош қароргоҳидан ташқарида ўтказиладиган илк мезбон шаҳарга айланиши таъкидланди. Ташкилотнинг асосий қадриятларини янада тарғиб этишга улкан ҳисса қўшишга қаратилган ушбу нуфузли халқаро форумни муваффақиятли ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг қатъий интилиши алоҳида урғуланди.

Брифинг иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини муваффақиятли ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади. Самарқандда халқаро форумларни юқори савияда ташкил этиш учун яратилган инфратузилма ва бошқа имкониятлар ҳақида ижобий фикрлар айтилди. Самарқанд сессияси ЮНЕСКО тарихидаги ноёб воқеа бўлиб, цивилизациялар ва маданиятлар ўртасидаги ранг-баранглик ҳамда мулоқот рамзига айланишига ишонч билдирилди.

Кўплаб олий мартабали иштирокчилар ЮНЕСКОнинг Самарқандда бўлиб ўтадиган сессияси ҳақида ўзларининг ижобий ва холис баҳоларини эътироф этди.





**Мирослав ЕНЧА,**
**БМТ бош котибининг Европа, Америка ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси:**

— Аввало, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқандда ўтказилиши бўйича ушбу муҳим ташаббусни илгари сурган Ўзбекистон Президентини табриклайман. Бу БМТ тизимидаги асосий тузилма ҳисобланган ЮНЕСКО фаолиятидаги муҳим қадамдир. Ташкилотнинг навбатдаги Бош конференцияси гўзал Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши бизга катта қувонч бағишлайди.

Ўтган йили Ўзбекистонга ташрифим чоғида Самарқандни зиёрат қилиш имкониятига эга бўлдим ва тез ўзгариб, янада обод бўлиб бораётган шаҳарнинг замонавий қиёфасидан жуда қувондим. Халқаро конференцияларни ташкил этиш учун мукаммал шароитлар яратилган. Ишончим комилки, ЮНЕСКО Бош конференцияси бўлажак сессиясининг барча иштирокчилари тадбирнинг ташкил этилишидан мамнун бўлади.

**Усама АБДУЛХОЛИҚ,**
**Мисрнинг БМТдаги доимий вакили:**



— Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган бугунги тадбирда иштирок этиш ва Самарқанд вилояти раҳбарияти билан учрашиш мен учун шарафдир.

Самарқандни ЮНЕСКО Бош конференциясига тайёрлашни қўллаб-қувватлаш жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Маълумки, Миср ушбу ташкилотнинг жуда фаол аъзоси ва асосчиларидан биридир.

Ўзбекистон ва Миср турли соҳаларда ва халқаро ташкилотлар доирасида жуда яқин ҳамкорлик қилади. Биз Ўзбекистоннинг бундай муҳим тадбирга мезбонлик қилиш ниятини қўллаб-қувватлашдан мамнунмиз. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда кўплаб юқори даражадаги тадбирлар ўтказиб келинмоқда, бу мамлакатингиз тинчлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида, жумладан, БМТ доирасида яқин ҳамкорликка интилишини тасдиқлайди.

Биз Мисрда Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Мамлакатингиз минтақада барқарорлик намунаси ва омилидир. Миср кўп қиррали муносабатларни янада чуқурлаштириш тарафдори.

Бу ерда, БМТда ҳам биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан жуда яқин ҳамкорлик қилаётганимизни, бир-биримизнинг ташаббус ва қарорларимизни қўллаб-қувватлаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча қардош ва дўст Ўзбекистон халқига эзгу тилакларимни билдираман.

**Евангелос СЕКЕРИС,**
**Грециянинг БМТдаги доимий вакили:**

— ЮНЕСКО Бош конференциясининг бўлажак сессияси 2025 йилда Самарқандда ўтказилиши муносабати билан Грециянинг БМТдаги доимий ваколатхонаси номидан Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонасини ва Самарқанд шаҳри раҳбариятини табриклайман.



Ўйлайманки, бу қадимий шаҳарнинг аҳамияти, шунингдек, Ўзбекистон нафақат БМТ доирасида Европа Иттифоқи билан, балки менинг юртим Греция билан ҳам икки томонлама асосда давом этаётган муносабатлар даражасини кўрсатиш учун ноёб имкониятдир.

Қувонарлиси, яқинда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш мақсадида Тошкентда элчихона очиш ниятимизни билдирдик, бу бизни жуда қувонтиради.

Шунингдек, биз Ўзбекистон билан БМТ платформасида яқин ҳамкорлик қиламиз ва 2025 йилда Самарқанддаги ЮНЕСКО тадбири муҳим воқеа бўлишига ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига мамлакат учун жуда муҳим воқеа бўлиши кутилаётган мазкур тадбир муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.



**Абдулазиз Ал-ВАСИЛ,**
**Саудия Арабистонининг БМТдаги доимий вакили:**

— 2025 йилда ЮНЕСКОнинг 43-Бош конференцияси бўлиб ўтадиган Самарқанд шаҳрининг бугунги тақдимотида қатнашганимдан жуда хурсандман. Самарқанд жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган ноёб маданий-тарихий мероси билан дунёнинг барча минтақаларида жуда машҳур.

Мен Ўзбекистон Самарқанд анжуманини юқори савияда ўтказишига ишонаман. Саудия Арабистони ҳукумати Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ва умуман, БМТдаги саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди.



**Марк СЕАХ,**
**Сингапурнинг БМТдаги доимий вакили ўринбосари:**

— Ўзбекистонни ЮНЕСКОнинг навбатдаги Бош конференциясини ажойиб шаҳар — Самарқандда ўтказиш имконияти яратилгани билан чин қалбимдан табриклайман. Ишончим комилки, ушбу тадбир муваффақиятли ўтказилади. Шунингдек, халқаро ҳамжамият учун ЮНЕСКО кун тартибидаги долзарб масалаларни ҳар томонлама кўриб чиқиш учун ноёб платформа бўлиб хизмат қилади.

**"Дунё" АА**
*Нью-Йорк*

**Ватанпарварлик ўрнига ватансизликни тарғиб этиш, “глобаллашув дегани сенинг дунё фуқаросига айланишинг”, деб талқин қилиш, миллий тарихни эскилик сарқити сифатида тан олиш каби ўта мантиқсиз ғоялар кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, ватанфурушликни юзага келтирмоқда.**

## Уйғоқ фикр

# Ватан нима? ВАТАНПАРВАРЛИК-ЧИ?!



**Абдухалил МАВРУЛОВ,**
*тарих фанлари доктори, профессор*

Бошланиши 1-бетда



**Ҳақиқатан, бугунги дунё тобора таҳликали тус олмоқда. Ким дўст, ким душманлигини аниқлаш тобора қийинлашиб боряпти. Ўзини яқин тутиб, бир қўл билан “меҳрибонлик” қилишга ваъда бериб, бошқа қўл билан турли воситалар ила асл мақсад-муддаоларини яширган ҳолда зимдан иш кўраётган давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсатдонларни англаш қийин бўлмоқда.** Бунга оммавий ахборот воситалари, турли ижтимоий тармоқларда баъзан ялтироқ қоғозга ўраб, баъзан очиқчасига ўз ниятларини баён этаётганларнинг чиқиши мисолида гувоҳ бўляпмиз.

Айни пайтда ҳаммамизнинг олдимизда Ватан тақдири барча масалаларнинг масаласи сифатида бўй кўрсатаётганини таъкидламаслик мумкин эмас. Давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда мамлакатимиз янги тараққиёт даврига қадам қўйган бугунги кунда халқимиз, айниқса, фарзандларимиз онгида Ватанга муҳаббат, юртимиз келажагига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаёт қадрига етиш туйғусини кучайтириш лозимлигини бежиз алоҳида қайд этмади.

Ватанни севиш ҳисси биз учун энг табаррук туйғудир. Ота-боболаримиз, аждодларимиз минг йиллар давомида яшаб келган ушбу макон, рўйи замин ҳар доим гўзал табиати, моддий-маънавий бойликлари, меҳнаткаш халқи билан бутун дунёни ўзига ром этиб келган. Шунинг учун бу заминга эгалик қилиш барча яқин ва узоқ “қўшниларимиз”нинг орзуси бўлган. Бунинг оқибатида биз миллий давлатчилик тарихимизнинг қарийб учдан бир қисмини мустамлакачиликда ўтказишга мажбур бўлдик.

Энди бас. Бу кўҳна тарихимизда ҳассамизни кўп бора йўқотдик. Бунинг натижасида ота-боболаримиз, буюк мутафаккир-алломаларимиз яратган тамаддунларни, миллий маданий меросни қўлдан бой бердик. Бугун кўҳна тарихимизни чуқур, теран, холис ўрганиш пайти келди. Ҳозир унинг шонли, муваффақиятлар билан безанган, айни пайтда узоқ вақтлар бой берилган моддий-маънавий бойликларимиз, амалга ошмай қолган кашфиётларимиз, қўлдан чиқарган имкониятларимиз ҳақида очиқ гапирадиган, уларнинг ўрнини тўлдирадиган давр.

Чунки олдимизда Ватан тақдири турибди. **Баъзилар “Бугун бизга ким ҳам ҳужум қиларди, таҳдид қани?” дейиши мумкин. Бу саволни берганларни аслида ё узоқ тарихимизни билмайдиганлар, ё билиб туриб ундан хулоса чиқара олмайдиганлар ёхуд Ватан тақдирига бефарқ кишилар, дейиш мумкин.**

**Ватанпарварлик — буюк туйғу. Ватан жонсиз, руҳсиз буюм эмас. Биз бор эканмиз, ҳар биримизнинг қонимизда, жонимизда, руҳиятимизда ватанпарварлик деган виждон суви оқади. Ватанни унутган ҳар бир инсон ўрмонда ёки саҳро-чўлларда адашган, шамчироғини йўқотган киши каби бир умр меҳрга, муҳаббатга зор, ўзи мансуб халққа муҳтож бўлиб яшайди. У жисмоний жиҳатдан тирик, аммо маънан ўлик — бир умр афсус-надомат чекади.**

Биз “Ватанни севиш керак”, деган иборани кўп ишлатамиз. Бу яхши гап. Аммо “бу яхши гап” ҳамма нарсани ҳам англатмайди. Ватанни севиш фақат сўзда бўлганда эди... Ватанни севиш туйғуси бу ибора эътиқодга айланиши билан безалиши керак. **Ватанни севаман, деб унга хиёнат қилаётганлар камми? Ўз хизмат лавозимида белгиланган вазифаларни сидқидилдан бажармаслик ҳам, тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган хато, камчиликларни кўра туриб, кўз юмиш ҳам, миллат ва мамлакат қийин аҳволда қолганда фуқаролик масъулиятини атайин унутган ҳам, давлат ва жамият қабул қилган турли меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишида фаол иштирок этиб, бироқ унинг ижросида “четга чиқиб туриш” ҳам аслида Ватанга хиёнат эмасми?**

“Қаерда яшаш қулай бўлса, ўша жой мен учун Ватан!” тушунчасини ҳаётий тамойилига айлантириб олганлар-чи? Бу мисолларнинг барчаси бизни ўйлантириши, дўппини ёнга қўйиб, хулоса чиқаришга ундаши керак.

Хулоса чиқариш учун ҳам узоққа боришнинг кераги йўқ. Кўҳна тарихимизга мурожаат қилишнинг ўзи етарли. Масалан, миллий тарихимиз, қадриятларимизда ҳар доим тупроқ ва маданият алоҳида ўринга эга бўлган. Юқорида таъкидлаганимиздек, тупроқнинг жони бор, у ҳис қилади. Унда аждодларимиз хоки, қувончу армони, қўшиқлари, алёрлари ва фиғону ноласи, оналарнинг алласи, ошиқ-маъшуқларнинг дил розлари мужассам.

**Узоққа кетаётган, қайтиб келиши номаълум кишилар Ватан тупроғидан бежиз олиб кетмаган. Шу бир кафт тупроқда Ватан ҳиди, тафти, меҳри мужассам бўлгани учун, агар киши бегона юртда умри поёнига етса, ўша тупроқни танасига қўшиб дафн этишлари учун шундай қилинган.**

А.Бердимуродовнинг “Ватан ҳаққига муножот” асарида қайд этилишича, 1231 йили сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди баланд тоғ устидаги кулбада мудраб ўтирганида орқасидан номард курд илондек судралиб келиб, султонни шаҳид қилади. Шоҳона либосдаги бу кишининг катта бойлиги бор, деган илинжда шаҳидни тинтиб кўради. Қўйнидан чарм халтача топиб олгач, курднинг қонга тўлган кўзлари қувончдан порлайди. Хоин дарҳол халтачани очиб кўради-ю, ҳафсаласи пир бўлади. Халтачада бир сиқим тупроқдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Ҳа, бу Ватаннинг тупроғи, жасур Жалолиддин юртининг бир қисми эди. Султон Жалолиддин бу халтачани ҳамиша юраги устида асраб юрарди. Оқибатда Султон Жалолиддин шу тупроқ, шу Ватан учун жон фидо қилди.

Душманлар билан бўлган жангларда ҳам, аҳвол танг ҳолатга келганда ҳам ушбу икки қадрият учун, керак бўлса, жон берилган. Хун ҳукмдори Метенинг “Тупроқ миллатнинг илдизидир, уни қандай берайин?!” дегани ҳам ватанпарварлик туйғусининг аждодларимизда қадимдан шаклланиб, ардоқланганидан далолат беради.

Халқимиз азалдан Ватан ва маданият, миллий қадриятларимизни эгизак ҳолда кўрган, тасаввур қилган. Ватан халқимиз моддий мавжудлигининг ифодаси бўлса, маданият, қадриятларимиз шу Ватаннинг маънавий рамзи, тимсолидир. Минг йиллар давомида шаклланган, суронли алғов-далғов даврларда ҳам миллий хусусиятларини йўқотмасдан, замонлар оша сайқалланиб, миллий жилоларини янги сифатлар билан бойитиб келаётган бундай маданиятимизнинг бардавомлиги Ватанни севиш туйғуси билан ҳамоҳанглигидадир.

Шунинг учун маданият ва санъатда Ватан мавзуси умрбоқийдир. У ҳақида куйламайдиган, ёзмайдиган, чизмайдиган ижодкорни топиб бўлмайди.

Шу ўринда Чин манбасида таъкидланган императорга тобе бўлиб қолган Ишбарахоннинг қуйидаги сўзлари эътиборга лойиқ: “Ўғлимни саройингизга юборяпман. У сизга ҳар йили келиб чиқиши самовий бўлган отлар тақдим этажак. Эртаю кеч амрингизга тайёрман. Аммо кийимимизнинг олдини очишга, ўрилган сочларимизни ёйишга, тилимизни ўзгартиришга ва сизнинг қонунларингизни қабул қилишга келсак, бизнинг урф-одатларимиз жуда қадимий бўлгани туфайли уларни бузишга жасоратим етмайди. Бутун элимизнинг юраги бирдир”.

Дарҳақиқат, қадим ватандошларимиз Ватан ҳақидаги тасаввури, миллий қадрияти, урф-одати билан бутун дунёда энг илғорлардан бўлганига тарих гувоҳлик беради. Юқоридаги иқтибосдан учта муҳим хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, қадимги қавмларимиз ота-боболаридан мерос миллий қадриятларига шу даражада содиқ бўлганидан, ҳатто бу қадриятларни бузишга, бирор янгилик киритишга жазм эта олмаган. Инсоннинг бундай руҳий ҳолатга тушишига фақат бир омил сабабчи бўлиши мумкин. Бу — Ватан туйғуси, Ватанни фақат сўзда эмас, амалда севиш, ардоқлаш туфайли содир бўладиган руҳий-ахлоқий кечинмадир.

Иккинчидан, аждодларимиз элимизнинг юрагини бир, деб таъкидлайди. Миллат ва халқни бирлаштирадиган, уларни ягона мақсад сари сафарбар эта оладиган феномен ҳодиса ҳам Ватандир. **Бутун бир халқнинг юрагини бир қиладиган, жипслаштирадиган ватаний туйғуни инсоният томонидан яратилган энг чиройли топилдиқ сифатида қабул қилиш лозим,** деб ўйлаймиз.

Учинчидан, халқимизни узоқ минг йиллар давомида турли бало-қазолардан сақлаб, қанчадан-қанча босқинчиликлару мустамлакачиликлар асоратидан асраб-авайлаб келаётган муҳим омил **миллий виждонимиздир.** Шунинг учун ҳам халқимиз виждон азобисиз яшаш лаззатини бу дунёдаги энг катта бахтнинг кўриниши сифатида эътироф этиб келган.

Ватанни севмоқ, унга садоқат билан хизмат қилиш, ташвишли ва қувончли кунларида ҳамдард ва шерик бўлиш ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий масъулиятидир. Буюк аллома Алихонтўра Соғуний ҳам Ватан тўғрисида куйиб-ёниб кўп ёзган. Унинг қайд этишича, бу дунёда яшаган ҳар бир кишининг бешта муқаддас нарсаси бўлиши керак: **Ватани, дини, моли, оиласи, жони.** “Биз, — деб ёзади аллома, — Ўзбекистон халқи, ҳақиқатда шу Ватан аҳлларимиз. Инсон насли яратилиб, ер устига қадам қўйган кундан бошлаб, **бизнинг ота-боболаримиз шу Ўзбекистон ўлкасида яшаб келган эканлар, шу кунларгача тирикларимизни бўйнида кўтариб, ўликларимизни қўйнида сақламишдир.** Бу Ўзбекистон Ватанимизнинг бир қатлами биз — ўзбек халқи ота-боболаримизнинг суяклари билан кўтарилмишдир. Демак, бўйнида кўтарган, қўйнида сақлаб, оқ сут бериб тарбият қилган бу Ўзбекистон — Туркистон бизнинг ўз она Ватанимиздир”.

Бугун тинчликсевар инсоният маърифатли дунёни истайди. Маърифатли дунёда давлатлар, сиёсий кучлар, мухолифатлар ўртасида маънавий келишув юзага келади. **Маънавий келишув тараққиёт даражаси, қайси қитъада жойлашгани, аҳолиси сони, ижтимоий йўналганлик ҳолати, қарашлари, маданияти, динидан қатъи назар, мамлакатлар, халқларнинг ўзлигини ҳурмат қилиш, умумий тараққиёт йўлида мақсадларини уйғунлаштиришдан манфаатдорлик даражасидир**.

Бу ҳолатга эришиш ўта қийин. Ижтимоий ривожланишнинг бугунги босқичида дунёда юз бераётган ўзгаришлар, давлатлар, сиёсий кучлар ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар, шубҳасиз, бундай келишувга йўл бермаяпти. Бу жуда ачинарли ҳолат. Юқорида таъкидлаганимиз каби дунё интеллектуал ҳолатининг юксаклиги, инсоният билим ва кўникмаларининг тобора ортиб бориши, муаммоларни цивилизацион йўл билан ҳал этишда янги қоидалар ишлаб чиқилиши баробарида жаҳоний муаммоларнинг янгидан-янги турлари кўпайиб бориши дунё мамлакатлари ва халқларини боши берк кўчага қамаб қўймоқда.

Бундай вазиятда айрим давлатларнинг чигал вазиятдан унумли фойдаланиб қолишга интилиши, ўз манфаатини бошқа мамлакатлар ҳудуди ҳисобидан қондиришга уриниши барчани сергакликка ундаши табиий. Бу ҳол ҳар биримиздан ватанпарварлик деган буюк тушунчани борлиғича, онгли равишда англаб етишга чорлаши керак.

Алломаларимиз бот-бот таъкидлаганидек, кимки ўз Ватанини севмаса, ҳеч нимани сева олмайди. Ватанни севиш учун катта, кенг юрак лозим. Бу юрак ҳар доим инсонни ҳақиқий

> Хўш, ватанпарварлик нима? Ватанпарварлик — ҳар биримизнинг туғилиб ўсган, киндик қонимиз тўкилган Ватан олдидаги фарзандлик, фуқаролик бурчимиз, маънавий масъулиятимиз, унинг тараққий этиши, янада гуллаб-яшнаши учун фидойилик ҳиссини туйиш каби кўплаб маъно-мазмун берадиган тушунча.

жасоратга ундаши, Ватан йўлида, керак бўлса, жонини қурбон қилишга ҳозир эканини амалда исботлаб туриши зарур. Инсонда фазилатлар жуда кўп. Аслида, ҳар биримизнинг мазмун-моҳиятимиз ҳам, ўзлигимиз ҳам тарбия ва ахлоқимизда мужассам бўлган турли фазилатларда акс этади. Ўнлаб, юзлаб фазилатлар барчамизни безаб туради. Бироқ уларнинг орасида энг мақбул, энг зарур фазилат Ватанга садоқатли бўлишнинг амалдаги ифодасидир.

Баъзан катта-кичик қилмишларимиз, хато ва камчиликларимиз, билиб-билмасдан содир этган хунук қилмишларимизни хаспўшлашга ўрганиб қолганмиз. **“Катта давлат ва кўп сонли миллат орасида менинг бу хатоларим арзимас нарса” қабилида иш тутамиз. Аммо шу кичик хато, чала ишимиз, камчилигимиз Ватанга нисбатан сотқинлигимиз, Ватан юзига туширган доғимиз эканини ҳар доим ҳам англаяпмизми? Ватанни хор қилиш уни сотиш билан баробар эканини, Ватанга хиёнат эса шу одамнинг ўз виждонидан айрилиши эканини биламизми?**

Ватанни севиш жуда осондек. Бироқ бу жараён назарий ҳолатдан амалиётга кўчмас экан, Ватанга хиёнатни одатий ҳол сифатида қабул қилаверамиз. Атрофимизда ҳар куни содир бўлаётган камчилик, хатоларга бефарқ муносабатда бўлаверамиз. Шахсий манфаатларини Ватан тақдиридан юқори қўяётганларга лоқайдлигимиз туфайли танбеҳ беролмаймиз.

Назаримизда, ватанпарварлик туйғусини жонимиз ва қонимиз, руҳиятимизга жо қилиб, сингдириб юборишимиз учун, энг аввало, Ватаннинг яқин ва узоқ тарихини билишимиз керак. Тарихдан бехабар инсон Ватан ҳақидаги тушунчани билиши мумкин. Аммо бу тушунча соғлом эътиқодга айланмайди. Кўҳна тарихимизда минглаб, юз минглаб ватанпарварлар шу замин, шу юрт учун ширин жонини қурбон қилганини бундай одам қаердан билсин!

Ҳақиқатан, Ватанни севиш учун унинг тарихини, ёруғ ва қоронғи кунларини билиш, энг муҳими, ундан тўғри хулосалар чиқариш зарур. Дунёда бирорта давлат йўқки, унинг тарихи фақат зафарлардан иборат бўлсин. Бироқ бундай ҳол Ватанни севмаслик ҳуқуқини бермайди. Масалан, юртимизда темурийлар ҳукмронлигидан сўнг — хонликлар даврида юз берган сиёсий парокандалик, ижтимоий-маданий қолоқлик, бойлик орттириш дардида узоқ давом этган урушлар буюк Туркистон тарихидаги қора доғлардир. Албатта, бундай зиддиятли ҳолатлар бизни тарихдан тўғри, холисона хулосалар чиқаришга ундамай қолмайди.

Қолаверса, Ватан юрагига тиғдек санчилган даврларни эсдан чиқариб бўлармиди. Ватан, миллат манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўя олмаган қанчадан-қанча раҳбарлар, ҳукмрон доираларни кўрмади бу Ватан.

Ватанни сўзда эмас, амалда севиш кераклигини англатиш учун ҳам тарих бизга устоз эканини англатадиган биргина мисол келтиришни лозим топдик. “Маърифатпарварлик — ижтимоий-маданий ҳодиса” китобида қайд этилишича, Худоёрхон Россия империяси Хўжанд, Ўратепа ва Жиззахни 1866 йил май-октябрда босиб олгани муносабати билан генерал Д.И.Романовскийни табриклаб, совға-салом юборади, унинг келажакдаги ишларига муваффақият тилайди. Генерал Кауфманга Самарқанддан ҳурматли кишилар ва амалдорлар юборган табрикномада бундай ёзилган: “Маҳрам остонасида сизнинг раҳбарлигингиз остидаги шонли рус қўшинлари эришган ғалаба ва Қўқонни қўлга киритганингиз ҳақидаги қувончли хабарни олдик. Қўқонни адолатли бўйсундириб, сиз Оқ подшонинг буюк паноҳидагиларни норози қилган ва уларга зулм ўтказганлар жазоланишини қўшни аҳолига яна бир бор намойиш қилдингиз”.

Бу дунёда Ватан, миллат тўғрисида айтиладиган сўзнинг масъулиятидан ҳам кучлироқ нарса бўлмаса керак. Юқорида келтирилган мисолнинг ижтимоий-маънавий, тарбиявий-мафкуравий, ахлоқий аҳамияти бор. Уни кўрмаслик ҳар биримизда ватанпарварлик деган буюк туйғунинг мавжуд эмаслигига бир ишорадир. Тарихда шундай даврлар бўладики, Ватан тақдири халқ номидан ҳукм қиладиганлар, айрим шахсларга боғлиқ бўлиб қолади. Ана шундай онларда барча масъулиятни ўз гарданига олмаслик, масъулиятни ўзидан соқит қилиш аслида, Ватанга ва миллатга сотқинлик, хиёнатдан бошқа нарса эмас.

Шонли тарихимизда бундай аянчли мисоллар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам бизга тарих керак. **Тарих тафаккур тарзимизни ислоҳ этади, ўтмиш билан бугуннинг фарқини таққослаш асосида хулоса чиқаришга ёрдам беради, айрим одамларнинг моғор босган онги ва қалбини тозалайди, руҳиятини мусаффо ҳаво билан бойитади. Тарих, шунингдек, бугун Президентимиз, халқимиз томонидан ишонч билдирилган, аммо нафс балосига қулоқ тутган, ўз манфаатини ҳар нарсадан юқори қўйган айрим амалдорлар, “давринг келди, даврон сур” қабилида иш тутадиганларни тарбия қиладиган, тўхтатадиган, ўйлантирадиган, хулоса чиқаришга мажбур этадиган буюк куч, феномен ҳодисадир.**

Хўш, ватанпарварлик нима? Ватанпарварлик — ҳар биримизнинг туғилиб ўсган, киндик қонимиз тўкилган Ватан олдидаги фарзандлик, фуқаролик бурчимиз, маънавий масъулиятимиз, унинг тараққий этиши, янада гуллаб-яшнаши учун фидойилик ҳиссини туйиш каби кўплаб маъно-мазмун берадиган тушунча.

Ватанпарварлик Ватанни шунчаки севиш, у тўғрисида шеър ёзиш, қўшиқ куйлаш, чиройли гапиришгина эмас. Ватанпарварлик ҳақида минглаб асарлар яратилган, у ҳақида гапирмаган одамнинг ўзи йўқ. Аммо бу билан биз ватанпарвар бўлиб қоляпмизми? **Ёдланган шеър, ўқилган бадиий асар, куйланган қўшиқ, ёқланган диссертацияда кўтарилган ғоялар одамларнинг аввал соғлом эътиқодига, сўнг амалий ҳаракатига таъсир қилмас, буларнинг натижасида шу Ватан равнақида ҳам моддий-иқтисодий, ҳам жамиятнинг маънавий-руҳий ҳолатида акс этмас экан, бу ғоялар, назариялар қуруқ гапдан бошқа нарса эмас.**

Ҳақиқатан, ватанпарварлик бугун реал кучга айланиши керак. Бунга яқин ва узоқ тарихимизда мисол кўп. Садриддин Салим Бухорийнинг “Буюк Хоразмийлар” китобида қайд этилишича, Паҳлавон Маҳмуд ҳинд халқи томонида туриб, Ҳиндистон душманларига қарши жангда иштирок этади. Жанг пайти жонини хатарга қўйиб бўлса-да, ҳинд шоҳи Рай Чўпани ўлимдан қутқаради. Шунда шоҳ Паҳлавон Маҳмуднинг бемисл жасорати, мардлигини муносиб тақдирламоқчи бўлиб: “Тила тилагингни!” дейди.

Паҳлавон Маҳмуд: “Эй буюк шоҳ! Бундан анча йиллар муқаддам ватандошларим — хоразмийлар бу ерга асир қилиб олиб келинган. Ўшаларни озод этсангиз. Бирдан-бир тилагим шу!” дейди. Шоҳ ҳайрон бўлиб: “Эй ҳимммати баланд паҳлавон! Агар ярим давлатимни тилаганингда эди, уни гап-сўзсиз сенга инъом қилган бўлурдим. Агар соҳибжамол қизимни никоҳингга олмоқни сўраганингда эди, сени ўзимга куёв этиб, тожу тахтимни сенга бағишлаган бўлардим. Зеро, жасоратинг улкан мукофотга муносиб. Майли, тилагингни бажо келтирдим. Ватандошларинг озод! Уларни Хоразмга боргунларича озиқ-овқат, кийим-бош, улов билан таъминлашни ҳам буюраман!” дейди.

Бугун дунёда содир бўлаётган жаҳоний ўзгаришлар, қадриятлар трансформацияси, ахлоқ тушунчаларининг емирилиши давлатлар ва халқлар тақдирида кўплаб салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, биз учун ниҳоятда муқаддас бўлган ватанпарварлик тарбиясининг тагзаминига, асл моҳиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

**Натижада ватанпарварлик ўрнига ватансизликни тарғиб этиш, “глобаллашув дегани сенинг дунё фуқаросига айланишинг”, деб талқин қилиш, миллий тарихни эскилик сарқити сифатида тан олиш каби ўта мантиқсиз ғоялар кўпайиб бормоқда.** Ушбу ҳолат, ўз навбатида, ватанфурушликни юзага келтирмоқда.

**Ватанфурушликнинг реал ҳаётдаги кўриниши жуда сероб. Масалан, меҳнатсиз роҳат кўришни исташ, ўз юртидаги ўзгаришлар, халқ қадрини ошириш борасидаги ислоҳотларни кўрмаслик ёки кўриб туриб тан олмаслик, ўз бахтини ўзга юртлардан қидиришга интилиш, жамиятдан фақат иллат қидириш ва бунинг натижасида ўзидан сохта демократ образини яратиш, кишилар тафаккур тарзини манипуляция қилиш — буларнинг барчаси бугунги ватанфурушнинг ижтимоий портретидир.**

Ана шу ҳолатлар шахсда ўзга ғояларга тобелик кайфиятини кўпроқ оширади. Ўзга юртлардаги хунрезликлар, зиддиятлар, келишмовчиликларни ўзича таҳлил этиш орқали жамиятда ёлғон таассурот уйғотиш кўникмаси пайдо бўлади. Бу жуда хавфли ҳолат. Сохта ватанпарварларнинг пайдо бўлиши ҳам шу тарзда юзага келади.

Боланинг онага муҳаббати табиий равишда пайдо бўлса, Ватанга ва юртга муҳаббат унинг онгига сингдирилмоғи, ўргатилмоғи керак. Шу маънода, Патрик Жозеф Бьюкенен бундай дейди: “Американинг умумтаълим мактаблари зарурат туғилганда мамлакатимизни ҳимоя қилиш мумкин бўлган фуқаро ва ватанпарварларни тарбияламоғи даркор. Улар болалар қалбига Америкага нисбатан муҳаббат туйғусини жо этмоғи зарур. Зеро, буюк кишилар таржимаи ҳоли, тарихий ва бадиий асарларни ўқиб, халқ қўшиқларини тинглаб, шонли тарихимиз акс эттирилган санъат асарларини томоша қилиш жараёнида уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси мустаҳкамланиб боради. Бу туйғу қанчалик кучли бўлса, Ватаннинг узвий қисми бўлиб қолиш, унинг учун жон фидо қилиш, бутун халқни ўз оиласини ҳимоя қилгандек асраб-авайлаш ҳисси шунчалик зўр бўлади”.

Бьюкененнинг ушбу фикрларидан чиқарган хулосам бор. Бу, биринчидан, ҳамма орзу қилган, бутун дунё талпинган АҚШдек давлатда ҳам ватанпарварлик масаласида муаммо борлигини англатиб турибди. Демак, гап у ёки бу мамлакатнинг бой-бадавлатлигида эмас.

Иккинчидан, ватанпарварлик ҳар бир инсондан идентитетликни талаб қилади. Инсон идентитетлиги миллий хусусиятлари, жамият билан муносабатлари, дунёқараши, ахлоқи, оламга, одамга, ўзига нисбатан тасаввурида ва, энг муҳими, ватанпарварлигида аксини топади.

Тарихий заминини англамаган ҳар қандай шахс на ўзи олдида, на жамият олдида маънавий масъуллик ҳис этади. **Фақат аниқ ва равшан ватаний, миллий, маҳаллий, маданий ва оилавий идентитетга эга инсонгина аввallари одамлар қандай, нима учун ва нимага асосланиб яшагани, нимага интилиб, нимага эришганини, аждодлари ер юзида қандай из қолдирганини билади. Ана шу ҳолат инсонда юксак маънодаги ватанпарварлик ҳиссини уйғотувчи, уни маънавий озиқлантириб, ушбу феномен ҳодисани аввал билишга, кейин соғлом эътиқодга, ундан сўнг эса реал ҳаракатга айлантирувчи, ҳар биримиздан шу ер, тупроқ учун ҳеч иккиланмасдан курашга (жон бериш учун эмас, унда ким курашади?!) отлантирувчи кучга айланади.**

Учинчидан, мазкур иқтибос бизни дунёга янгича назар билан муносабатда бўлишга ундаяпти. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг илгари ўз мақсад ва манфаатларини асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз, деган чуқур маъноли фикрларини доимо ёдда тутиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ҳақиқатан, ҳаддан ташқари тез ўзгариб бораётган дунёда дунёқарашимиз, ҳаётий тамойилларимизни замонга мос равишда ўзгартиряпмизми? Давлат ва миллатнинг ҳаёт-мамот масалалари кун тартибига қўйилган бир пайтда майда, маиший масалалар билан овора бўлиб қолмаяпмизми? Биз қўшиқ қилиб куйланган шеър, ғазалдаги, ўқиган китобдаги, эшитган панд-насиҳатдаги миллатни уйғотувчи, уни янги марраларга чорловчи ғояларнинг рўёбидан қониқяпмизми?

Агар ҳар биримиз шу саволларни ўзимизга ва бир-биримизга берсак ҳамда уларга жиддий жавоб олишга интилсак, шубҳасиз, ўзгарамиз. Биз аксарият ҳолларда ўз такомилимизни дунёқарашимиз чегараси билан ўлчаймиз. Аммо **кўпинча дунёқарашимиз (дунёга қараш, уни кенг маънода кўриш, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил қилиш ва ягона тўғри хулоса чиқариш) “оилақараш”, “маҳаллақараш”, “қишлоққараш”, “туманқараш” даражасида, чекланган чегара доирасида қолиб кетмаяптими?**

Бугунги дунёда ватансизликни, ватанфурушликни тарғиб этаётган таҳдидлар тобора кўпайиб бораётган, турли давлатлар, халқаро ташкилотлар ўзларининг аниқ мақсадларини чиройли гаплар, билим савияси паст, тажрибасиз кишиларга хуш ёқадиган жозибали қолипларга солиб талқин этаётган бир шароитда ўзликни, Ватанни сақлаб қолиш ва бу йўлда юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатиш энг долзарб масалага айланди.

Бу йўлда, бир томондан, эътиқоди суст, боқибеғам, онгсизлик касалига дучор бўлган, масъулиятдан қутулиш учун беқарорликни танлаган, ватандошлик кайфиятидан мосуво, майда маиший муаммоларидан бошқа нарсаларни тан олмайдиган айрим одамларни уйғота олсак, иккинчи тарафдан, Президентимиз ва халқ ишончини юксак мартаба, шу юрт ва миллат учун хизмат қилишни ҳаётининг мазмун-моҳияти деб билган ҳамда бундан маънавий-руҳий лаззат оладиган раҳбарларимиз янада кўпайса, энг катта ютуғимиз бўлади. Айнан шундай кишилар билан барча мақсадимизга эришамиз.

Мамлакат доирасида ишлаб чиқарилаётган сабзавотнинг 60 фоизидан ортиғи деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилиши, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига давлатнинг назорат қилувчи ва маҳаллий ҳокимият идоралари аралашуви чеклангани, маҳсулот бозорга эркин рақобат асосида таклиф қилиниши тармоқ бозор шароитида фаолият юритаётганидан далолат беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 28 февраль, 42-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Нуқтаи назар





# САБЗАВОТЧИЛИК:

## қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи қай даражада ривожланмоқда?

**Собир ҲАСАНОВ,**
*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети мустақил изланувчиси*

**Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳар доим долзарб. Шу боис, юртимизда бунга жиддий эътибор қаратилиб, махсус дастурлар, лойиҳалар қабул қилинади. Жумладан, Президентимиз томонидан жорий йилининг 23 февраль куни ёшлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда ушбу масалага доир кўплаб ташаббуслар илгари сурилди. Бандлик борасида янги таклифлар ўртага ташланиб, уларнинг ижроси бўйича аниқ чоралар белгилаб олинди.**

Йиғилишда айтилганидек, қишлоқ хўжалигида бу борада имкониятлар кенг. Кейинги йилларда қисқартирилган пахта ва ғалла майдонларининг аҳолига, хусусан, ёшларга берилиши уларнинг деҳқончилик билан шуғулланиши, қўшимча даромад олишига шароит яратмоқда.

Жорий йилдан эътиборан, янги тартибга кўра, туман ҳокимлари ерни сув таъминоти яхши жойдан ажратишга масъул бўлади. Ҳар бир ёшга қанча майдон ажратилиши бўйича “маҳалла еттилиги” таклиф беради. Булар ўз натижасини беради, албатта. Чунки биргина сабзавот етиштириш билан миллионлаб аҳоли шуғулланади, даромад қилади. Тармоқда республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг 14,5 фоизидан ортиғи яратилмоқда. Сабзавотчилик ҳисобига саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривож топмоқда, янги билимлар, замонавий технологиялар ўзлаштирилмоқда.

Мамлакат доирасида ишлаб чиқарилаётган сабзавотнинг 60 фоизидан ортиғи деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилиши, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига давлатнинг назорат қилувчи ва маҳаллий ҳокимият идоралари аралашуви чеклангани, маҳсулот бозорга эркин рақобат асосида таклиф қилиниши тармоқ бозор шароитида фаолият юритаётганидан далолат беради.

Юртимизда сабзавот етиштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 1990 йили аҳоли жон бошига ўртача 139,2 килограмм сабзавот етиштирилган бўлса, 2022 йилга келиб 359,3 килограммга етди (1990 йилдагига нисбатан 2,6 карра кўпроқ). Охирги беш йил ичида сабзавот етиштириш ҳажми 1,1 карра ошиб, 2023 йилда 11,5 миллион тоннани ташкил қилди.

Лекин тармоқда камчиликлар, муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, оилавий асосдаги кичик хўжаликларда етиштирилган сабзавотни тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва истеъмолчига етказиб бериш, ишлаб чиқариш учун зарур моддий-техник ресурсларни харид қилиш ҳамда маҳсулот сотиш тизимида шаклланган иқтисодий муносабатлар рақобатли бозор талабларига жавоб бермаслиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда. Бугун ички ва ташқи бозорларда маҳсулот сифати ҳамда турларига истеъмолчилар талаби муттасил ўзгармоқда. Ана шундай шароитда сифат назоратини юритиш, бозор талабига тезкор мослашиш каби замонавий маркетинг усулларидан фойдаланиш, жамоа бўлиб ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тарқоқ фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолияти доирасида ҳал қилиниши қийин масала бўлиб қолаётир.

Масала ечими сабзавот етиштирувчиларнинг кооперативларга уюшган, турли бирлашмаларни ташкил қилган ҳолда фаолият юритишини тақозо қилади.

Бундай фаолият зарурати аграр тармоқда юз бераётган қуйидаги асосий ижтимоий-иқтисодий вазиятлар туфайли юзага келмоқда.

Демак, сабзавотчилик кооперативларини ташкил қилган ҳолда маҳсулот етиштириш фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларида кўплаб иқтисодий имкониятларни пайдо қилади. Қўшилган қиймат яратиш ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш, оилаларда зарур ижтимоий масалаларга маблағ жамғариш учун қулай иқтисодий муҳит ва яхши шарт-шароит яратилади.

| Кооперацияга бирлашишни тақозо қилувчи шароитлар | Соҳа ривожига тўсиқ бўлувчи муаммонинг намоён бўлиш ҳолати | Мавжуд муаммони самарали ҳал қилиш механизми |
|---|---|---|
| бозорга сотиш учун тақдим қилинадиган сабзавот маҳсулотлари **сифатини назорат** қилиш имкони йўқ; | турли сабзавот экилиши, экинни парваришлаш агротехникаси, ҳашарот ва касалликдан ҳимоялаш бўйича билим етишмаслиги боис маҳсулот сифати пасаяди; | кооперативнинг малакали **мутахассиси вегетация** даври давомида оилавий хўжаликлар учун агроном маслаҳати ташкил қилади. |
| етиштирилган сабзавот маҳсулотларини зарур **партияда ва миқдорда** сотиш учун тақдим қилиш имкони мавжуд эмас; | кичик деҳқон ва томорқа хўжаликларида турли ва кам сабзавотлар етиштирилади ва сотиш учун йирик партияда маҳсулот **тайёрлаш имкони** йўқ; | кооперативлар бозор талабига мос келувчи сабзавот **уруғини** етказиб беради, маҳсулотни тайёрлайди. |
| хўжаликлар бозордан узоқлиги, маҳсулот ҳажми кичиклиги **таннарх** ортишига олиб келади; | кичик хўжаликлар етиштирган кам маҳсулотни узоқда сотиш ўзини оқламайди, натижада маҳсулот сотувга чиқмайди; | кооператив хўжаликдан маҳсулот йиғиб, сотувга чиқаради ва оилалар яхши даромад қилади. |
| маҳсулот оммавий пишган пайтда бозорда нарх пасайиб, ишлаб чиқарувчи хўжалик зарар кўради; | кичик хўжаликлар маҳсулотини маҳаллий бозорга чиқаради, сақлаш тизими мавжуд эмаслиги боис, баҳо пасайганда зарар кўради; | кооператив маҳсулотни сақлаб сотиши мумкин, йирик бозорларга (экспорт) чиқиш имконига эга. |
| кичик хўжаликда маҳсулотни замонавий усулда ва сифатли қайта ишлаш имконияти йўқ; | талабга жавоб бермайдиган ва стандартсиз маҳсулотларни қайта ишлаб, қўшилган қиймат яратиш кичик хўжаликда мавжуд эмас; | хўжаликлар бирлашиб, кооперативда маҳсулотни қайта ишлашни ташкил қилиши мумкин. |
| кичик хўжаликларда илм-фан ютуқлари, тежамкор, рақамли технологияларни қўллаш имкони жуда паст; | кичик хўжаликлар, янги навлар, сифатли уруғлик, агротехника бўйича билимларга эга эмаслиги маҳсулот сифатини пасайтиради; | кооператив доирасида малакали мутахассислар ёлланиб, зарур хизматлар ташкил этилади. |
| кичик хўжаликларда сабзавот маҳсулотлари етиштиришда механизация даражаси жуда паст; | кичик хўжаликлар маблағи етишмаслиги ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаслиги боис, техника харид қилмайди; | кооперативлар қиммат замонавий техникани лизинг асосида ҳамкорликда ишлатади. |

Тўғри, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” дастури бор. Лекин у кутилган натижани беряптими? Японияда ҳам бу каби дастур мавжуд ва у самарали ривож топган инновацион усуллардан бири ҳисобланади. Маҳаллада муайян бир асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ушбу маҳсулот билан боғлиқ қўшилган қиймат яратиш тизимини (тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, замонавий қадоқлаш, экспорт қилиш) ривожлантириш имконини беради. Сотиш тизими аввал ички бозорда тажриба орттирган ҳолда кейин экспортга чиқиши ёки йирик савдо фирмалари билан ҳамкорлик қилиш ташқи бозорларда хатарни камайтиради.

Мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини ички имкониятлар ҳисобидан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги, жумладан, сабзавотчилик маҳсулотлари экспортини ошириш масалаларини ҳал этиш учун соҳада ихтисослашувни чуқурлаштириш, зарур инфратузилма объектлари ташкил қилиш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Логистика тизими, айниқса, деҳқон ва томорқа хўжаликлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим бўғиндир. Аммо бу тизим тўлиқ шаклланмаган. Ҳар йили сабзавот маҳсулотларининг катта қисми истеъмолчига вақтида етиб бормаслиги қуйидаги ҳолатлар туфайли юз бераётир:

— келгуси йил учун давлат ёки экспортчи ташкилот буюртмасини шакллантиришда буюртма шартномалари бўйича ишлаб чиқарувчиларга аванс тўловларни амалга ошириш тизимини жорий қилиш (ҳозирда буюртма бўйича сабзавот маҳсулотларини жойлаштириш учун масъул бўлган ташкилотларда бундай аванс учун маблағ етишмайди);

— етиштирилган сабзавот маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиғи деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади, аммо юридик шахс мақомидаги деҳқон хўжаликлари улуши 10 фоиздан кам. Юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари билан шартнома тузиш ва ҳисоб-китоблар учун механизм мавжуд эмаслиги боис, деҳқон ва томорқа хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини жорий қилиш талаб этилди;

— экспорт қилинадиган мева-сабзавотнинг асосий қисмини етиштирувчи деҳқон ва томорқа хўжаликларида маҳсулотни қайта ишлаш ва қадоқлаш имконияти чекланганини катта нобудгарчиликларга олиб келмоқда. Шунингдек, нархлар мавсумий кескин ўзгариши, нобарқарор бозор шароитлари ҳам улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аграр тармоқнинг муҳим бўғини ҳисобланган сабзавотчилик юртимизда хусусий сектор ривожланишининг асосий йўналишларидан бири. Соҳада 10 миллион тоннадан зиёд сабзавот етиштирилмоқда. Аммо маҳсулотнинг қарийб 80 фоиздан ортиғи қайта ишланмасдан қолмоқда. Бу эса сабзавотчилик тармоғида қўшимча қиймат занжирини яратиш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Жараён

OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi
"Ochiq Budjet" Portali

> **Давлат бюджетини шакллантиришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида 2023 йилда “Очиқ бюджет” ахборот порталига келиб тушган ва ҳар бири 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳаларни амалга ошириш харажатлари учун жорий йил давлат бюджетидан маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.**

# БИР ФУҚАРО — БИР ОВОЗ

## ТИЗИМДАГИ БУ ВА БОШҚА ЎЗГАРИШЛАР АДОЛАТЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2024 йилги “Ташаббусли бюджет” дастури биринчи мавсумида 35 минг 200 дан ортиқ лойиҳа киритилиб, уларнинг умумий қиймати 30 триллион сўмдан ортиқни ташкил этган. Вилоятлар кесимида энг кўп таклифлар Фарғона, Тошкент ва Наманган вилоятларида илгари сурилган.**



**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
*шарҳловчи*

Жорий йилда ушбу дастур учун ажратиладиган маблағларнинг умумий миқдори 8 трилион сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилгига нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ. Натижада ғолиб лойиҳалар сони ҳам аввалги йилларга нисбатан 1,5-2 баробарга ошади ва маҳаллаларда кўпроқ муаммоларни ҳал этиш имкони яратилади.

### Энг оғир йўналиш

Ўтган йил иккинчи мавсумда илгари сурилган таклифлар таҳлил этилганда, ғолиб бўлган лойиҳалар орасида ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш юқори поғонада тургани (446 та) ҳам энг оғриқли йўналиш ҳали-ҳануз шу соҳа эканини кўрсатади.

Аслида, бу борада алоҳида “Менинг йўлим” лойиҳаси ҳам бор. У йилига бир марта ўтказилади. Ушбу лойиҳанинг ўтган йилги овоз бериш жараёнида республика бўйича 8 миллион 93 минг 918 фуқаро иштирок этди. Унинг натижаларига кўра, 517 лойиҳа ғолиб деб топилди. Уларни молиялаштириш учун 410 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ йўналтирилди. Натижада 3 миллион 600 минг аҳолининг узоғи яқин, мушкули осон бўлди.

2024 йилда мазкур дастур учун камида 800 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Демак, ажратилаётган маблағлар бу йўналишда аввалги йилга нисбатан салкам икки баробарга ошяпти. Қолаверса, “Ташаббусли бюджет” ва “Менинг йўлим” лойиҳалари доирасида ички йўлларнинг кадастр ҳужжатлари тайёрлаб берилади. Жорий йилдаги давлат бюджетида йўлларни таъмирлаш харажатлари учун белгиланган маблағлар жамоатчилик ва бевосита фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар инобатга олиниб, республиканинг ҳар бир шаҳар ва тумани учун 4 миллиард сўмдан ажратилиши ҳам назарда тутилган.

— Ортиқча оворагарчиликларни бартараф этиш мақсадида “Менинг йўлим” лойиҳаси эндиликда ҳар йили “Ташаббусли бюджет”нинг биринчи мавсумига бирлаштирилган ҳолда ўтказилиши белгиланди, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азимжон Ҳасанов. — “Менинг йўлим” лойиҳаси учун ажратилган маблағлар ҳам фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилади ва улар доирасида ғолиб лойиҳалар аниқланади.

Президентимиз ўтган йил 11 сентябрда имзоланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда “Маҳалла бюджети” тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди. Бунда туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгиланган эди.

Ушбу жиҳатлар 2024 йилги давлат бюджетида ўз ифодасини топган. Хусусан, “Ташаббусли бюджет” амалиётини ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2024 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 8 триллион сўм, шундан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун камида 4 триллион сўм йўналтирилади.

Давлат бюджетини шакллантиришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида 2023 йилда “Очиқ бюджет” ахборот порталига келиб тушган ва ҳар бири 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳаларни амалга ошириш харажатлари учун жорий йил давлат бюджетидан маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

### Мавжуд камчиликлар қандай бартараф этилади?

“Очиқ бюджет” лойиҳаларининг кўлами тобора кенгайиб, ажратилаётган маблағлар сарфи мониторинг қилиб борилаётганига қарамай, айрим муаммо ва камчиликларни бартараф этиш вазифаси кун тартибида турарди. Бунга фуқаролар томонидан турли хил телефон рақамлари билан “фойдаланувчилар” захирасини шакллантириш ва овозлар сонини кўпайтиришга уринишларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бинобарин, ўтган йили ҳам эски “ҳангомалар” яна такрорланди. Хиёбон, кўча ва бозорларда овоз бериш эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул таклиф қилиш ҳолатлари кузатилди.

Табиийки, бундай ҳолатлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги зиммасига юклатилган “Очиқ бюджет” лойиҳасига доир жараёнларни холис овоз бериш, маъмурий аралашувларсиз ташкил этиш бўйича вазифаларни тўлиқ ҳал этиш, замонавий технологиялардан оқилона фойдаланишни ва уларни такомиллаштириб боришни тақозо этарди.

Шу боис, ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш, жойларда кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалдаги тартибга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Президентимизнинг ўтган ҳафтада имзолаган “Ўзбекистон — 2030 стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида жорий йил март ойидан ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида овоз беришда соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида “бир фуқаро — бир овоз” тизими жорий этилади. Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали овоз бериш жараёнида фуқароларни идентификация қилиш ҳамда бир фуқаро томонидан берилган битта овозни қабул қилиш тизими йўлга қўйилади.

Аҳадбек Ҳайдаровнинг тушунтиришича, бу бир нечта сим-картаси бўлган фуқароларнинг кўп марта овоз беришига чек қўяди. Ғолибларни аниқлашда ҳам ҳаққонийликни таъминлашга хизмат қилади. Фуқаронинг бир нечта сим-картаси бўлса, фақат битта сим-картаси орқали берган овози қабул қилинади. Агар иккинчи сим-картаси орқали овоз берадиган бўлса, унда сим-карта эгасини аниқлаш тизими орқали иккинчи сим-карта билан овоз бериши чекланади.

Бундан ташқари, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларини амалга оширишда аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётган бир қанча ҳолатлар ҳам рўй бериб келарди. Масалан, ғолиб топилган лойиҳалар молиялаштирилишида белгиланган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида камчиликлар бор.

Олий Мажлис Сенати томонидан Андижон вилоятида ўтган йилги “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларининг ижроси молиявий назоратдан ўтказилганда, 43 ҳолатда 1,9 миллиард сўмга яқин хато ва камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилган. Жумладан, 3 ҳолатда етказиб берилмаган 800 миллион сўмлик жиҳозлар учун тўловлар амалга оширилган, 21 ҳолатда лойиҳа-смета ҳужжатларига 483,2 миллион сўмлик иш ҳажми ортиқча киритилган, 11 ҳолатда лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган 581,8 миллион сўмлик ишлар бажарилмаган.

“Ўзбекистон — 2030 стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармондаги янги тартиблар ана шундай камчилик ва хатоларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутади. Унга кўра, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб “Ташаббусли бюджет” доирасидаги лойиҳалар ташаббускорлар, маҳалла раиси ва фаолларининг иш сифати юзасидан розилиги олинганидан кейингина фойдаланишга қабул қилинади. 2024 йил 1 августга қадар эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига “Ташаббусли бюджет” доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан маълумотлар олиш, маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини талаб қилиш ҳамда лойиҳалар амалга оширилишини жамоатчилик томонидан мониторинг қилиш имконияти яратилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг билдиришича, ғолиб лойиҳаларни амалга оширишда камчиликка йўл қўйган пудратчилар “Шаффоф қурилиш” тизимининг инсофсиз ижрочилар реестрига киритилиши ҳам белгиланмоқда. Вазирлик йил давомида камчиликларга йўл қўйган, амалга оширилган ишларнинг ҳолати қониқарсиз деб баҳоланган пудратчи ташкилотлар рўйхатини шакллантиради. Мунтазам хатоларга йўл қўйган пудратчилар “қора рўйхат”га киритилади. Бу лойиҳаларни ўз вақтида ижро этмаслик ва қониқарсиз ижро этиш ҳолатларининг олдини олади.

Амалдаги тамойилга кўра, илгари сурилган 35 минг 200 дан ортиқ лойиҳа тасдиқланган мезонларга мувофиқ йигирма кун мобайнида сараланади. Модерациядан ўтган лойиҳалар эса, овозга қўйилади.

Аҳадбек Ҳайдаровнинг таъкидлашича, саралаш жараёнига ҳам ўзгаришлар киритилган. Айни пайтда лойиҳаларни саралаб олишда шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида ишчи комиссиялар янгиланган таркиб асосида шакллантирилган. Эндиликда уларнинг раиси этиб халқ депутатлари туман кенгашлари раислари белгиланган.

Бундан ташқари, комиссия томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунчиликка риоя этилгани устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш учун комиссия таркибига туман адлия бўлимлари вакиллари ҳам киритилди. Ҳамма лойиҳалар порталдан жой олгандан кейин ишчи комиссиялар лойиҳаларни жамоатчилик манфаатига мувофиқлиги, ҳар бирининг шу ҳудудда амалга ошириш имконияти борлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Уларнинг жамоатчилик манфаатига тўғри келадиганлари қолдирилади, шахсий манфаатларни кўзда тутганлари чиқарилади. Комиссиялар лойиҳалар ғолиб деб топилганидан кейин маблағлар ажратиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўзларининг хулосаларини киритади.

Яна бир ўзгариш товар ва жиҳозларни харид қилиш билан боғлиқ лойиҳаларга доир бўлиб, улар тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланган электрон реестр асосида шакллантирилади. Лойиҳалардан ўрин олган жамоат манфаатига хизмат қилмайдиган жиҳозларни харид қилмасликни таъминлаш мақсадида эндиликда уларни киритишда ташаббускорлар порталда рўйхати берилган товар ва жиҳозлар ичидан ўзларига зарурларини танлаш орқали шакллантириши лозим бўлади.

Шу пайтга қадар таълим соҳасида айрим муаммоларга дуч келиниб, лойиҳалар таркибида ўқитиш жараёнини яхшилаш билан боғлиқ бўлмаган айрим товарларни харид қилиш ҳолатлари кузатилган. Мисол учун, жуда қиммат мобиль алоқа воситалари сотиб олинган. Энди бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун мактаб, боғча, соғлиқни сақлаш объекти ёки маҳалла бинолари учун товар ва жиҳозлар рўйхати ҳам шакллантириб берилган.

Кун мавзуси

# БЕПАРВОЛИК БАРЧАГА ЗАРАР

## Ёхуд бозорда беҳуда вақт сарфлаётган болалар ҳақида

**Қантар оғиб, ҳаво бир оз илий бошлади. Бодомлар куртак чиқариб, гуллаб қолди. Аммо қишнинг бир куни ҳам қиш, деганларидек, тўсатдан совуқ туриб, атрофни қор қоплади. Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт. Азизбек қиш фаслини кўп ҳам ёқтирмайди. Бошқа фаслларда амаллаб бирор жойдан иш топиб, рўзғорнинг камини бир нави қилиб турса бўлади. Лекин аёз бошланди дегунча тирикчиликнинг нони тошдан қаттиқ бўлиб қолади. Мана, кунлар бир оз илиб, далада иш бошланади, деб хурсанд бўлиб турганди, бу ҳам кўпга бормади. Дераза ойнасидан ташқарида ўйноқлаб ёғаётган қорни кузатаркан, болалиги ёдига тушди.**





...Эндигина мактаб остонасига қадам ташлаб, ўқиш-ёзишни ўрганаётган дамлар эди. Устози ҳар бир ўқувчидан катта бўлсанг ким бўласан, дея сўраб чиққан. Азизбек ҳам беғубор орзулар ила шифокор бўлишини айтганди. Устози киши орзусига етиши учун, албатта, яхши ўқиш кераклигини уқтирганди. У ҳам бу ўгитларга амал қилиб, яхши ўқишга интилди. Тиришқоқлиги сабаб аълочи ўқувчилар қаторидан жой олди. Ҳаммаси яхши кетаётганди. Бешинчи синфга ўтганида отаси ҳашар қилиб, ҳовлисининг кўча тарафидан кичикроқ дўкон қурди. Болали сигирини сотиб, шаҳардаги улгуржи бозордан бир талай нарсалар харид қилиб, дўконини тўлдирди. Бошида дўконни отаси юритарди. Аммо кейинчалик вақти бўлмай қолди, шекилли, тўнғич фарзанди Азизбекни ҳам савдо қилишга ўргата бошлади. Онаси ёш болани аралаштирманг, деса-да, эътибор қилмади. Эски "Москвич" сотиб олиб, яқин атрофдаги қишлоқлардаги бозорларга чиқадиган бўлишди. Бу орада Азизбекнинг ўқишида ўзлаштириши пасайиб кетди. Ўқитувчиси ҳарчанд ота-онасини огоҳлантирса-да, нафи бўлмади. Тўнғич ўғилнинг қўлига пул кела бошлагач, мактабга боришга ҳафсаласи қолмади. Шифокор бўламан деган орзуси ҳам сўнди.

У мактабни тугатганида чўнтагида тўрт-беш сўм пули бор эди. Аммо тенгдошларининг барчаси талаба бўлиб, унинг ўзи ёлғиз қолиб кетди...

Бугун ёши қирқдан ошиб қолди. Қўлида бирор тайинли ҳунари йўқ. Умри қора меҳнатда ўтиб боряпти. Чуқур уҳ тортади. Афсус, "поезд аллақачон ўтиб кетган". Катта ўғли шу йил мактабни тугатади, қандай қилиб бўлса-да, уни ўқитишга аҳд қилди.

### Давоматга таъсир қилмайди...

Деҳқонобод тумани "Бешбулоқ" МФЙ ҳудудида ҳафтанинг ҳар сешанба куни бозор бўлади. Ушбу савдо комплекси "Сегузар деҳқон озиқ-овқат" МЧЖга қарашли. Катта-кичик расталарда кимдир деҳқончилик, яна кимдир боғдорчилик маҳсулотларини сотиш билан банд. Шулар қатори, чамаси, олтинчи-еттинчи синфда ўқийдиган қиз ҳам икки-уч хил меваларни қатор териб қўйганча, сотиб ўтирарди. Яқинроқ бориб, суҳбатга тортишга ҳаракат қилдик.

Шу яқин атрофдаги мактабнинг еттинчи синфида ўқишини билдирган қиз дадасига ёрдам бериш учун келганини айтди. Аммо мактабдан қолмаслигини, дарси соат 11:00 да бошланишини айтганча, харидорларга хизмат кўрсатишда давом этди. Соат миллари 11:00 га яқинлашаётган бўлса-да, негадир ўқувчи қиз дарсга шошилмасди. Бозор ичкарисига кириб боракканмиз, ҳартугул, бошқа жойларга қараганда ўқувчилар кам кўринарди.

Кийим-кечаклар сотилаётган тарафда икки ёшдан бошқа сотувчилар орасида ўқувчилар деярли йўқ. Мол ва қўйлар сотиладиган алоҳида жойда эса ҳолат ўзгача. Олтинчи синфда ўқиётганини айтган бир ўспирин бугун отаси билан бирга қўй сотиш учун бозорга келганини, мактабга боролмаганини айтиб қолди. Шунингдек, кузатувларимиз давомида камида ўн нафардан ортиқ ўқувчи бугун мол ёки қўй-қўзи сотишда отасига, акасига ёрдамга чиққани учун мактабга бормаганини гапирди.

— Бозоримиз 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳафтада бир марта — сешанба куни ўтказилади, — дейди бозор иш юритувчиси О.Поёнов. — Ўқувчилар савдо-сотиқ билан шуғулланишига умуман рухсат берилмайди. Бу ерга энг яқин жойлашган 92-мактабда уч навбатда дарс ўтилади. Шу боис, кейинги сменада ўқийдиган болалар бирор нарса харид қилишга ёки шунчаки томоша учун келади. Улар ҳам дарси бошлангач, тезда кетади.

Юқорида айтилганидек, 92-мактаб ўқув биноси бозордан кўриниб туради. Мактаб маъмурияти билан суҳбатлашарканмиз, айнан шу куни бозор бўлиши ўқувчилар давоматига таъсир этмаслигини таъкидлади. Аммо айрим юқори синфларда эса шу куни икки-уч нафардан бола мактабга келмагани маълум бўлди.

### Мактаб ҳудудидаги бозор

Касби тумани, Тошқўрғон қишлоғи. Чоршанба куни эрталаб бу манзилга кириб борар эканмиз, қизиқ манзарага дуч келдик. Шундоққина қишлоққа кириш жойида бир кишидан бозор манзилини сўрасак, тўғри тарафни кўрсатиб, "Мактаб стадионида бўляпти", деди. Қизиқ, савдо мажмуаси учун айнан мактаб стадионидан бошқа жой йўқмикан, дея айтилган жойга бордик. Дарҳақиқат, каттагина стадион. Бир томонида темир устунли дарвозаси мавжуд майдонда гавжум бозор бўлаётир. Ёнида кичик футбол майдони, нариги томонда эса мактаб ўқув биноси кўриниб турибди.

Савдо ходимларидан суриштириб, бозор иш юритувчиси Муҳаммад исмли фуқародан бу ҳолатга ойдинлик киритишини сўрадик. У кишининг айтишича, мазкур савдо мажмуаси ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас, бу ерга тоғаси раҳбар экан. Тоғаси ҳозир бу ерда эмаслиги, телефон қилиб чақиришини айтди. Биз у киши келгунга қадар мактаб директори қабулига йўл олдик.

Касби туман 10-мактаб директори Эргаш Мавлоновнинг таъкидлашича, 2023 йил апрель ойида қишлоқ оқсоқоллари илтимосига кўра, бу ерда ҳафтада фақат чоршанба куни бўладиган бозорга рухсат олишган.

— Ростини айтсак, мактабга халал беришяпти, — дейди Э.Мавлонов. — Авваллари бу жой маҳаллага қарашли ўйингоҳ ва сайиллар ўтадиган жой эди. Кейинчалик туман кадастр бўлими вакилларининг айтишича, мактаб ҳисобига киритилган. Бугун тушдан кейин савдо якунлангач, бу ердаги ҳолатни кўрсангиз, ачиниб кетасиз. Ҳамма томон чиқиндилар билан тўлиб кетади. Бундан ташқари, жисмоний тарбия дарсини ўтиш жуда мушкул бўлиб қолди. Унинг устига, бу ерда ўқувчилар тез тайёрланадиган, санитария талабларига жавоб бермайдиган егуликларни сотиб олиб истеъмол қилади. Бозор эгасига кўп бор тушунтириш бердик. Агарда бозор бўладиган бўлса, атрофини девор қилиб, қонуний ажратиб олиши лозимлигини айтдик, аммо ўзгариш йўқ.

Майдондаги савдо жойига разм соламиз. Бирорта раста ташкил қилинмаган. Ҳар ким ўз билганича ерга маҳсулотларини ёйиб сотяпти. Бир оздан сўнг танаффус бўлди, шекилли, бир гуруҳ ўқувчилар шу томонга кела бошлади. Икки-уч дақиқада гўёки харидорлари фақат ўқувчилардан иборат бозор кўринишига келди.

— Бозор олдин бошқа жойда эди, — дейди ўзини шу савдо мажмуаси раҳбари дея таништирган Қурбонали Сойибов. — Кейинчалик шу жойга кўчириб келинди. Бу майдон маҳаллага тегишли, Наврўз сайиллари ўтадиган жой. Ҳафтада фақат чоршанба куни эрталаб бошланиб, соат 12:00 ларга қадар тугайди.

Савдо мажмуаси, аслида, кимга ёки бирор ташкилотга тегишли эканини, сотувчилардан жой ҳақи учун йиғиб олинаётган маблағ қайси банкка кирим қилинаётганини сўраганимизда, бу ҳеч кимга тегишли эмаслигини, йиғилаётган пуллар эса шу ҳудуд ободончилиги учун ишлатилаётгани айтилди. Англашимизча, бозор ноқонуний тарзда фаолият юритмоқда. Бу ҳолатга шунча пайтдан буён Касби туман мутасаддилари нега эътибор қаратмаётгани эса бизга қоронғи.

### Озгина ёрдам бергандир-да...

Нишон тумани, Гулистон маҳалласи. Унчалик катта бўлмаган ҳудудда одатдаги бозорлардан фарқли равишда бу ерда ҳам савдо расталари мавжуд эмас. Шу боис бўлса керак, ўз имкониятидан келиб чиқиб, кимдир ерга, яна биров стол қўйиб, молларини ёйиб чиққан. Савдо майдонининг асосий қисмини турли хилдаги газлама сотувчилар банд этган бўлса, бир қисмида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жой олган. Ўртароқда эса шундоққина ерга гилам тўшалиб, устига чордона қилиб жой қилинган. Ёнгинасида аёл киши хамирни шу ернинг ўзида тайёрлаб, тагида олов ёниб турган қозонга ташлайди. Ёшгина бола бўғирсоқ пишириш билан овора. Тайёр бўлганини олиб, дастурхон атрофида ўтирган кишиларга узатади. Шу дамда қишнинг совуқ шамоли таъсирида чанг кўтарилиб, егуликлар устига сочилаётганига эътибор ҳам қаратишгани йўқ.

— Нечанчи синфда ўқийсан? — дея ошпазлик қилаётган боладан сўрадик.

— Учинчи синфда.

— Қайси мактабда?

— Ўн олтинчи.

— Бугун дарсга бормадингми?

— Ўқишимиз тушдан сўнг бошланади.

Егулик тайёрлашга ёрдамлашаётган ёшгина бола ҳали бу нарсаларга эътиборсиз бўлиши мумкин, аммо ҳеч бир хавотирсиз овқатланаётган катталар нега бепарво? Пиширилаётган егулик ҳам, тайёрлаш жараёни ҳам саломатлик учун зарар келтирмайди, деб бўлмайди. Бундан ташқари, далада, ўчоқ атрофида ҳаракатланаётган ёш боланинг хавфсизлиги ҳақида ҳам бирор киши ўйлаб кўрмадимикан?

Маълум бўлишича, бозор назоратчиси Бекзод Маллаев шу куни бошқа жойда экан, бозорчиларнинг айтишига кўра, чек пулини унинг турмуш ўртоғи йиғиб олаётган эмиш.

— Турмуш ўртоғим ишга кетган, — дейди Ҳайитгул опа. — Мен бозорда назоратчилик қиляпман. Бозор фақат ҳар пайшанба куни ўтказилади. Лекин расмий маълумотлардан хабарим йўқ. Савдогарлардан йиғиб олаётган маблағни эса турмуш ўртоғим топширса керак...

Қизиқ томони Ҳайитгул опа савдо ходимларидан олинаётган нақд пул учун чек бермаганини, бунинг учун касса аппарат ҳам йўқлигини таъкидлади. Ҳафтада бир бўлаётган бу ҳолат эса туман мутасаддиларининг назаридан четда қолаётганига сабаб нима экан?

— Бозор илгари шу яқин атрофда эди, — дейди 16-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Бахтиёр Ҳамроев. — Ўтган йили ҳудудимизда "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" дастури доирасида бир қатор ишлар олиб борилгани сабаб ҳозирги жойига кўчирилди. Ҳафтанинг ўртасида бозор бўлиши давоматга таъсир қилмайди, деб айтолмаймиз. Бошқа кунларга нисбатан айнан пайшанба куни бозорга бориб, бирор кийим олиш учун бир ёки ярим соатга рухсат сўраш кўп бўлиб туради. Лекин ўқувчиларнинг дарсни қолдириб, бозор айланиб юришига, савдо билан машғул бўлишига йўл қўймаймиз.

### "Акамга ёрдамга келдим"

Косон тумани, Олатўн бозори. Косон ҳамда Кўкдала туманлари чегарасида жойлашган каттагина савдо мажмуаси фақат жума куни ишлайди. Масъулларнинг айтишича, бозор 1997 йилдан буён фаолият юритиб келади. Яқин атрофда эса саноқли мактаблар бўлса-да, шу куни бу ерда бозор оралаб юрган, савдо-сотиқ қилаётган ўқувчилар жуда кўп эди.

— Тўққизинчи синфда ўқийман, — дейди ёнғоқ сотиб ўтирган ўспирин. — Бугун мактабга боролмадим, акамга ёрдамга келгандим.

Савдо расталари қаторида хўжалик молларини сотаётган болани суҳбатга тортамиз. Олтинчи синфда ўқишини, бугун бозор бўлганлиги сабаб дарсга бормаганини айтади.

— Бир кун дарсга бормаса, ҳеч гап бўлмайди, — дейди унинг ёнида савдо қилаётган отаси хижолатсиз. — Товарларим кўп. Буни сотиш учун ёрдамчи керак. Бугун бормаса, эртага борар шу мактабга.

Турли хилдаги матоларни сотиб ўтирган қиз 11-синфда ўқишини билдирди. Дарси иккинчи навбатга қўйилганини, тушдан сўнг, албатта, мактабга боришини айтади.

Бозор ҳудудини кўздан кечирарканмиз, шу куни ўқувчи ёшларнинг кўпчилиги беҳуда вақт сарфлаб юрганига гувоҳ бўлдик. Ачинарли томони, бозордаги аксарият ўқувчилар айнан ота-оналарига ёрдамга чиқиш учун келганини, бир қисми эса катталарнинг рухсат бергани сабаб дарс қолдирганини айтди. Демак, арзимас бир баҳона ёки оиладаги катталарнинг юмушига кўмаклашаман деб болалар бир кунлик дарсдан қолмоқда. Камида тўрт ёки беш соат давомида қайсидир фанлардан ўтилган мавзулар эртага қайтариб ўтилмаслиги аниқ. Қолган ишга қор ёғар, деганларидек, биргина эътиборсизлик ортидан муаммолар эргашиб келаверади.

Бугун фарзандини мактабга эмас, бозорга жўнатаётган ота-оналарга бу ҳолат оддийдек кўриниши мумкин. Эртага эса нафақат фарзандингиз, балки сизу биз, бутун жамият бунинг жабрини тортмайди, деб бўлмайди. Шундай экан, фарзандингиз тақдирига бефарқ бўлманг. Қолаверса, бир болага етти маҳалла ота-она, деганларидек, жамоатчилик назоратини кучайтириб, бепарволикка барҳам бериш орқали ҳам салбий оқибатларнинг олдини олиш мумкин. Биз эса соҳага масъуллар, ҳокимларнинг расмий муносабатини кутиб қоламиз.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**




Миллий ғурур

# ЎЗИМИЗ ЖАДИД БЎЛАЙЛИК

**Авазбек ЙЎЛЧИЕВ,**
*Низомий номидаги ТДПУ*
*ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси*

**Ўз қарашларида инсоният тамаддунининг синовдан ўтган ютуқларини намоён этган, асосий қуроли маънавият ўлароқ ҳаракатлари сиёсат ишига айланган жадидлар мероси бугун ҳам тарбиявий дастуруламал сифатида ғоят зарур. Бу қайта-қайта таъкидланаётир. Жадидчиликнинг пайдо бўлиш тарихини ўқир эканмиз, улар ўзини дастлаб "тараққийпарварлар" деб атаганига гувоҳ бўламиз. Бироқ орадан вақт ўтиб, ҳаракат кенгая боргани сари улар ўзини тараққийпарвар эмас, жадидлар деб атай бошлади. Демак, мақсадлар кўлами энди тараққийпарварлик мезонларига сиғмас эди.**




Дастлаб халқни уйғотиш, уларга тарихини рўйирост танитишни мақсад қилган жадидлар бора-бора фақатгина бунинг ўзи билан чекланиб қолиб бўлмаслигини тушуна бошлади. Тўғри, саводли, ўтмишини таниган миллатлар ўз эркини талаб қила бошлайди, бу эса унинг бошида булутга айланган зулм қопқоғини тезроқ даф этади — жадидларнинг мақсади ҳам даставвал шу эди, аммо бу мақсадга эришиб бўлгандан кейин-чи? Шиддат ила ривожланиб бораётган мамлакатлар билан фақатгина эркинликка эришиб, ўқиш-ёзишни билиш билангина бир сафда бориш мумкинмиди? Йўқ! Замон ўрта асрлар эмас, тобора "қутб"ларга ажралиб бораётган дунё илм-фан ўчоғига тинмай ўт қалаётган XX аср замони эди. Кундан-кун янги кашфиётлар, тафаккурнинг бемисл сарҳадлари тинмай ислоҳ этилмоқда — булар билан мунтазам танишиб келаётган жадидларнинг мақсади эса тобора кенгайиб, қатъийлашиб борган.

Ягона нажот — таълим. Ислоҳ этилмаганига асрлар бўлган таълим билан эса қаергача бориб бўларди?! Уни тараққий эттиришдан эса наф йўқ, эскини ямаган билан сирти ялтираб, ичи қалтираб тураверади. Янгилаш лозим! "Жадид" эса "янги" дегани.

Хўп, жадидларнинг бу борада илгари сурган таклифу ғоялари ҳаммамизга яхши таниш, бироқ фақатгина танишиш билан чекланиб қолмаяпмизми? Собиқ тузум туфайли улар билан ора узилиб қолгани-ку ҳақиқат, бироқ бугун-чи? Дахлдорлик ҳиссимиз жадидлар орзу қилгани кабими?

Разм солсак, собиқ иттифоқ ўз даврида муҳим кашфиётлар, асосан, "марказ"да бўлишидан манфаатдор эди. Тилда тенгмиз дейилгани билан ҳатто илм-фанда ҳам "марказ"нинг манфаатлари ҳар доим устун қўйилган. Шу сабабли иттифоқдош республикаларда илм-фан фақатгина назария билан чекланар эди. Амалиёт эса "марказ"да. Илмий ишларни Москвадан тасдиқлаш тартиби асосида ҳам айнан илмий амалиётларни назорат қилиш мақсади ётарди, десак адашмаймиз.

Бугун замон ўзгарди, мустақил мамлакатимиз ҳар бир соҳада тўлақонли ҳуқуқларга эга бўлди. Жумладан, илм-фан борасида ҳам ҳамма нарса ўзимизники. Бироқ орадан шунча йил ўтса-да, баъзи жабҳаларда жадид боболаримизнинг улуғ мактаби қолиб, ҳамон собиқ иттифоқнинг айрим услубларини қўллаб келяпмиз. Фойдаланаётган китобларимиздан ҳам худди "кашф қил", "ярат" эмас, "шунчаки билиб қўй", деган садо эшитилади. Биз шунчаки билувчи миллат эмас, яратувчи миллат бўлишимиз керак.

Бошқа соҳаларнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, бугун дунёнинг асосий двигатели — илм. Ким ботқоқдан қуруқликка чиқибдики, илм туфайли. Ким ердан ортиб, коинотда кезиб юрибдики, илм туфайли. Ўтмиши буюк, салоҳияти баланд халқ сифатида илм-фан билан жиддий шуғулланмоққа ҳақдор миллатмиз. Биз эса нималар билан банд? Бу саволни бутун миллатга бермоғу яхлит жавоб олмоқ мушкулдир, лекин ҳар биримиз ўзимизга бериб кўрсак-чи? Аслида, бугун ҳаммамиз жадид бўлишимиз лозим. Аммо қандай қилиб?!

Тарихга назар солсак, боболаримизни жадид сифатида шакллантирган асарлар, китоблар ортида уларнинг улкан меҳнати, атрофига бошқача назар билан қараши ҳамда жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши ётади. Буларнинг орасида, айниқса, мустақил таҳлил қила олиш тушунчаси эътиборга молик. Бизга бугунги кунда айнан шу хусусият сал етишмаётгандек, назаримда. Чунки айни даврни теран таҳлил қилган, йўриғини тушунган инсон нима қилиш керак эканини жуда яхши англайди. Бундай инсон давр воқеаларида шунчаки истеъмолчи сифатида эмас, том маънода қатнашчи бўлиш кераклигини тушунади. Кўпчилигимиз эса ҳануз истеъмолчимиз, тафаккур сарҳадларимизни осон ишғол этишларига имкон бергудекмиз...

Нажот таълимда, дедик, ўгирилсак, ортимизда шонли тарих турганини ўқидик, бироқ қачон қарор қабул қиламиз? Қачонгача маънавий меросларимиздан фақатгина шиорлар олишда фойдаланамиз? Жадидлар тирилиб келиб, ҳолатимизни кўрса, бизга қараб нима деган бўларди? Том-том китоблар, баъзан эслаб қўядиганимиз маънавий жасоратларнинг жавобгарлик масъулиятини сўраса, қандай баҳона ила ўзимизни оқлар эдик?

Бугун вақтики, энг аввал ўзимизни янгилайлик. Олдимизда нималар бор, нималарни эътиборсиз ортда қолдириб кетяпмиз — тафаккуримиз кўзойнагини чангдан тозалаб, янгидан қарайлик. Инсон Ватан бирла инсон эканини, ватанини севмаган одамдан бошқа нарсага муҳаббат кутиб бўлмаслигини тушунайлик. Ахир халқига, оиласига, яқинларига заррача наф келтирмай, дунёдан ўтмоқдан ортиқ уят борми?! Шу ўринда, наф деганимиз ўзи нима эканини биламизми? Масалан, эркак кишининг меҳнат қилиб оила тебратиши масъулият, аёл киши меҳр билан болаларини оқ ювиб-оқ тараши масъулият. Аммо халқ учун, миллат учун илму тафаккури юксак болаларни вояга етказиши ҳақиқий наф. Чунки илмли инсоннинг фойдаси элга юқади.

Келинг, "Бизнинг жадид боболаримиз бор", дея фақат фахрланиб яшамай, ўзимиз ҳам жадид бўлайлик. Жадидларни ўқитайлик, жадидларни тарбиялайлик. Зеро, замон биздан тинимсиз янгиланишларни талаб қилади.

**Рақамли саводхонлик ва сунъий интеллектга тайёрликнинг ҳозирги ҳолатини жаҳон тенденциялари билан солиштирганда, мамлакатимизнинг рақамли пойдеворида тўлдирилиши керак бўлган бўшлиқлар борлиги аён бўлади. Охирги йилларда рақамли технологиялар соҳасида инфратузилма масалаларида муваффақиятларга эришган бўлсак-да, сунъий интеллектни тушуниш ва қабул қилиш тезлиги глобал стандартлар билан солиштирганда ҳали ҳам етарли эмас.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

Рақамли келажак





# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

## таҳдидларга қарши курашда тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилиши керак



**Азиз ОТАБЕКОВ,**
*Рақамли технологиялар вазирлиги Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи*

**XXI асрнинг шиддат билан ўзгараётган манзарасида рақамли технологияларнинг ҳаётга кенг миқёсда жорий қилиниши ҳамда сунъий интеллектнинг кескин ривожланиши дунёнинг глобал парадигмасини янгитдан шакллантирмоқда. Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатлар учун бу технологик инқилоб улкан имкониятларни яратади.**

Бундай ўзгаришларнинг аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якунлари ва яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида алоҳида таъкидланди. Йиғилишда шунчаки глобал трендлар билан қадамба-қадам юриш учун эмас, балки сунъий интеллект билан бошқариладиган дунёда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ҳамда миллий хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган кенг қамровли рақамли саводхонлик, мустаҳкам рақамли маданиятга катта эҳтиёж мавжудлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда янгиланиш жараёнларининг муҳим жиҳати бўлган рақамли трансформация сари интилиш ҳам тўсиқлардан холи эмас. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг сунъий интеллект давридаги глобал таҳдидларга қарши



курашишга тайёрлигини таҳлил қилиш билан бирга, рақамли маданият ва саводхонликни оширишда тизимли ишларнинг муҳим ролига урғу беришга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнларининг турли жабҳаларига эътибор қаратиб, уларни сунъий интеллектнинг глобал тенденциялари билан солиштириш ҳамда мамлакатимизнинг рақамли ривожланишини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга ошириш зарур. Улар нафақат технологияни ўзлаштириш ва маҳаллийлаштириш, балки глобал рақамли таҳдидларга қарши инновацион тайёргарликни ўз ичига олган тафаккурни ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

### Ўзбекистонда рақамли маданият қай ҳолатда?

Рақамли технология асрига қадам қўяр эканмиз, мамлакатимизда мазкур соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳам кўплигини кўрамиз. Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон ривожланиши бўйича қилган таҳлиллари ҳам ҳали ўрганишимиз зарур бўлган қимматли маълумотларни тақдим этади. Ҳозирги кунда юртимизда, айниқса, шаҳарларимизда рақамли технологиялар татбиқ этилиши ривожланиб бораётганига гувоҳмиз. Ушбу тенденция бутун дунёдаги рақамлаштиришга қаратилган ҳаракатни акс эттиради, аммо шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовутни ҳам кўрсатади, бу эса кўплаб ривожланаётган мамлакатларда акс садо берадиган муаммо.

Мамлакатимизда рақамлаштириш жараёнларининг асосий таянчи бўлган рақамли саводхонлик даражаси турли демографик гуруҳлар орасида фарқланиб қолмоқда. Ёшларимиз рақамли технологияларга мойиллигини намоён этса-да, аҳолининг сезиларли қисми ушбу янгиликлардан йироқ. Бу номутаносиблик нафақат технологияларнинг жойларда мавжудлиги, балки аҳолининг рақамли ускуналар ва амалиётлардан хабардор қиладиган таълим масаласи ҳамдир.

### Соҳа базавий компьютер кўникмалари билангина ривожланиб қолмайди

Рақамли технологиялар эндиликда шунчаки тренд эмас, балки ривожланишнинг асосий воситасидир. Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда давлат хизматлари соҳаларида рақамли ечимларнинг жорий қилиниши босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Давлат бошқаруви соҳасида электрон ҳукумат лойиҳаларининг татбиқ қилиниши бюрократик жараёнларни соддалаштириш, шаффофликни ошириш ва жараёнда фуқаролар иштирокини фаоллаштириш имконини бермоқда.

Бироқ ушбу технологияларнинг тўлиқ салоҳиятини руёбга чиқариш ҳали олдимизда турган муҳим масаладир. Рақамли инфратузилманинг етарли эмаслиги, кўникмалар бўйича чекланган тренинглар ва киберхавфсизлик каби муаммолар ҳал қилишни талаб қиладиган тўсиқлар саналади. Мустаҳкам рақамли экотизимни ривожлантириш иқтисодий ўсиш ва халқимизнинг ҳаёт сифатини яхшилашда технология кучидан фойдаланишда долзарб ва фундаментал аҳамиятга эга.

Сир эмас, рақамли таълим қамровининг ўсиш динамикаси кескин юқорилаб кетаётган бўлса-да, унинг сифати сезиларли даражада фарқ қилади, бунга асосан, юқори малакали кадрлар етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилади. Бундан ташқари, рақамли ўқув дастурини халқаро стандартлар ва тез ривожланаётган технология ландшафти билан янгилаш ҳамда мослаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Ушбу янгиланиш нафақат техник кўникмалар билан таъминлаш, балки сунъий интеллект ва рақамлаштириш жараёнлари даврида танқидий фикрлаш, ижодкорлик ва мослашувчанликни ривожлантиришга қаратилган. Ўзбекистонда рақамли саводхонликни



ошириш базавий компьютер кўникмаларидан ташқари рақамли технологиялар ривожланиши ва уларнинг жамиятга таъсирини тўлиқроқ тушуниш билан такомиллашиши керак.

Ушбу эволюция ишчи кучини рақамли кўникмалар ажралмас бўладиган келажакдаги меҳнат бозорига тайёрлаш учун жуда муҳим. Жумладан, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) тадқиқоти Ўзбекистонда янги иш ўринлари яратишда рақамли технологияларнинг илғор салоҳиятини исботлайди. Тадқиқотга кўра, 2030 йилга бориб, рақамли секторда тахминан 430 минг янги иш ўрни яратилиши мумкин, бу эса иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ бу салоҳиятни амалга ошириш мамлакатимизнинг рақамли саводхонликни ривожлантириш қобилиятига боғлиқ.

Муаммо нафақат рақамли таълимни кенгайтириш, балки унинг долзарблиги ва инклюзивлигини таъминлашда кўринади. Саъй-ҳаракатлар шаҳар ва қишлоқ ҳамда турли ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар ўртасидаги рақамли тафовутни бартараф этишга қаратилган бўлиши керак. Ушбу инклюзивлик рақамли трансформациянинг афзалликлари бутун мамлакат бўйлаб адолатли тақсимланишини таъминлаш учун жуда муҳимдир.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон бу борада янги технологияларни қўллашда қатор ютуқларга эришган бўлишига қарамай, соҳада мунтазам саводхонликни ошириш зарурати мавжуд. Бу илғорлик нафақат инфратузилма ва ундан фойдаланиш, балки жамиятнинг барча қатламларида рақамли таълимни қадрлайдиган маданиятни шакллантириш билан боғлиқ.

### Глобал таҳдидлар нималарда кўринади? Имкониятлар-чи?

Сунъий интеллектнинг глобал ландшафти жадал ривожланиши ва турли соҳаларда кенг қўлланиши билан ажралиб туради. Машина ўрганиш алгоритмларидан тортиб илғор генератив сунъий интеллект технологияларигача — бутун дунёда саноат, иқтисодиёт ва жамиятларни қайта шакллантирмоқда. Соғлиқни сақлашда сунъий интеллект аниқроқ ва сифатлироқ диагностика ва шахсийлаштирилган даволаш режалари учун қўлланиляпти. Молия соҳасида эса алгоритмлар транзакцияларни қайта ишлаш ва рискларни бошқариш усулларини тезкорлик ва юқори сифат йўналишида ўзгартиряпти. Худди шундай, миллий хавфсизлик соҳасида ҳам сунъий интеллект технологиялари маълумотларини йиғиш, киберхавфсизлик ва қарор қабул қилиш жараёнларида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон учун бу глобал тенденцияларни тушуниш жуда муҳим. Мамлакатда сунъий интеллектга бўлган ёндашувлар, ушбу технологиялар қандай ривожланаётгани ва бутун дунё бўйлаб татбиқ этилаётгани ҳақида ҳар томонлама хабардор бўлиш керак. Бу англаш нафақат иқтисодий рақобатбардошлик, балки сунъий интеллектга асосланган дунёда пайдо бўладиган потенциал хавфсизлик таҳдидларини бартараф этиш учун ҳам жуда муҳим.

Сунъий интеллект технологиялари янада мураккаблашиб ривожлангани сари у имкониятлар билан бирга таҳдидларни акс эттирувчи икки қиррали қилич тарзида намоён бўлади. Бир томондан, сунъий интеллект технологиялари юқори самарадорлик, инновациялар ва иқтисодий ўсиш имкониятларини яратади. Бошқа томондан, автоматлаштириш туфайли маълумотлар махфийлигига оид хавотир ва зарарли мақсадларда фойдаланиш хавфи каби муаммолар келиб чиқади.

Ўзбекистон учун бу технологияларнинг жорий қилиниши ҳам стратегик имконият, ҳам қийинчилик туғдиради. Имконият — иқтисодий фаровонлик, давлат хизматларини яхшилаш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини оширишда акс этади, аммо бу имкониятлар ўзи якка келмайди. Улар билан бирга сунъий интеллектга оид хавфларни юмшатиш, жумладан, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш ва автоматлаштиришнинг ижтимоий таъсирини бошқариш масалалари ҳам давранинг энг муҳим масаласи сифатида юзага чиқади.

Шу ўринда савол туғилади: Ўзбекистон бу таҳдидларга тайёрми?

Рақамли саводхонлик ва сунъий интеллектга тайёрликнинг ҳозирги ҳолатини жаҳон тенденциялари билан солиштирганда, мамлакатимизнинг рақамли пойдеворида тўлдирилиши керак бўлган бўшлиқлар борлиги аён бўлади. Охирги йилларда рақамли технологиялар соҳасида инфратузилма масалаларида муваффақиятларга эришган бўлсак-да, сунъий интеллектни тушуниш ва қабул қилиш тезлиги глобал стандартлар билан солиштирганда ҳали ҳам етарли эмас.

Ушбу бўшлиқларни мустаҳкам тўлдиришнинг калити кўп қиррали ёндашувдадир. Биринчидан, сунъий интеллект ва тегишли технологиялар бўйича таълим ҳамда ўқитишга эътиборни кучайтиришимиз керак. Бу нафақат техник тайёргарликни, балки халқимизда сунъий интеллектнинг ахлоқий ва ижтимоий оқибатларидан бохабарликни оширишни ҳам ўз ичига олади. Иккинчидан, ҳукумат, илмий доиралар ва саноат биргаликда ишлайдиган ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш Ўзбекистонда сунъий интеллект технологияларини масъулият билан жорий этишни тезлаштириши мумкин.

Ниҳоят, мамлакатимиз учун сунъий интеллектдан фойдаланиш ва ривожлантиришни бошқарадиган аниқ ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиб, қабул қилиш зарур. Ушбу асослар сунъий интеллект технологиялари билан боғлиқ бўлган суиистеъмоллар ва хавфлардан ҳимояланган ҳолда инновацияларни рағбатлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, сунъий интеллект дунё бўйлаб глобал ландшафтни қайта белгилашда давом этар экан, Ўзбекистон ҳам ушбу тенденциялар билан фаол иштирок этишга мажбур. Тақдим этилган имкониятлар ва муаммоларни тушуниш ва уларга мослашиш мамлакатнинг рақамли келажакдаги ўрнини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Бу эса сиёсат, таълим, ишлаб чиқариш ва турли ташкилотлар ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

### Ҳукуматнинг роли муҳим

Барқарор рақамли маданиятни шакллантириш йўлида давлатимиз раҳбари аниқ масалалар қўйиб, ижро ҳокимияти вакилларига уларнинг ечимини кўрсатиб ўтмоқда. Бу ташаббуслар рақамли саводхон жамиятни шакллантириш учун пойдевор қўйишда муҳим аҳамиятга эга, айниқса, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар таъсирида тез ўзгариб бораётган дунёда. Бу ташаббуслар рақамли инфратузилмани ривожлантиришдан тортиб, барча даражаларда рақамли саводхонликни тарғиб қилувчи таълим дастурлари ва сиёсатларини амалга оширишгача бўлган соҳаларни қамраб олади. Уларнинг асосий жиҳати рақамли инновациялар учун қулай муҳит яратишдир. Бу эса кенг полосали тармоқлардан то маълумот марказлари каби рақамли инфратузилмага сармоя киритиш ҳамда технологик стартаплар, рақамли бизнесни рағбатлантиришгача ўз ичига олади. Барқарор рақамли экотизимни ривожлантириш орқали ҳукумат инновацияларни рағбатлантириши ва рақамли технологиялар иқтисодиётнинг турли тармоқларига интеграциялашувига ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистон турли соҳаларда рақамли технологияларни интеграциялаш борасида таҳсинга сазовор ютуқларга эришди. Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат хизматларини рақамлаштиришга қаратилган сиёсат халқимизга кўплаб қулайлик ва енгилликларни яратиб берди.

Сунъий интеллект даврида пайдо бўладиган муаммолар ва имкониятларни тўғри қабул қилиш учун ислоҳотлар ижросини фаоллаштиришимиз керак. Бошланғич синфдан бошлаб олий таълимгача қамраб олинган соҳага оид ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш зарур. Бундан ташқари, рақамли тафовутни бартараф этувчи сиёсатни амалга ошириш, рақамли ресурслардан адолатли фойдаланишни таъминлаш ва турли ҳудуд ҳамда ва ижтимоий гуруҳларда таълимни ривожлантириш жуда муҳим.

Ижро ҳокимияти, шунингдек, ҳар бир давлат хизматчиси мамлакат рақамли келажагини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Рақамли маданият ва саводхонликни оширишга стратегик ёндашувни қўллаш орқали халқимизни сунъий интеллект даврининг ўзгаришлари ва имкониятларига тайёрлашимиз мумкин. Бу нафақат иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, балки Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган рақамли дунёда рақобатбардошлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.

### Халқаро тажрибалар — муваффақиятли рақамли саводхонлик сари яна бир қадам

Рақамли саводхонлигини оширишга киришаётган Ўзбекистон учун хорижий тажрибаларни ўрганиш фойдадан холи эмас. Бу соҳада бир қанча хорижий давлатлар рақамли саводхонлик



дастурларини муваффақиятли амалга оширди. Масалан, ўзининг илғор рақамли саноати билан танилган Жанубий Корея барча таълим босқичларида рақамли саводхонлик бўйича кенг қамровли дастурларни амалга оширди. Уларнинг ёндашуви рақамли таълимни миллий ўқув дастурига интеграция қилиш, ўқитувчилар учун малака ошириш ва бутун мамлакат бўйлаб рақамли таълим марказларини ташкил этишни ўз ичига олади. Ушбу проактив ёндашув Жанубий Кореянинг рақамли саводхонлиги ва технологик тараққиётининг юқори даражасига сезиларли ҳисса қўшди. Ёки Эстониянинг рақамли етакчига айланиши яна бир илҳомлантирувчи мисолдир. Мамлакатнинг e-Estonia ташаббуси рақамли технологияларни кундалик ҳаётга, жумладан, электрон бошқарув, рақамли соғлиқни сақлаш ва сайловларда электрон овоз беришни интеграциялашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу муваффақият калити Эстониянинг рақамли таълимга, мактабларнинг бошланғич синфларидан бошлаб то олий таълимгача ҳамда ёши катталар учун ўқув дастурларигача бўлган эътиборидадир.

Ушбу мисоллардан ўзимиз учун бир нечта асосий сабоқ олишимиз мумкин:

**Эрта ва кенг қамровли интеграция.** Рақамли саводхонлик эрта ёшдан бошлаб таълим тизимига киритилиши ва узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларини қамраб олиши керак. Буни йўлга қўйиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

— **Ўқитувчиларни тайёрлаш ва ресурслар:** рақамли таълимдаги муваффақият асосан, яхши тайёрланган ўқитувчиларга ва етарли ресурслар, инфратузилманинг мавжудлигига боғлиқ.

— **Давлат-хусусий шериклик:** давлат, хусусий сектор ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик рақамли саводхонлик бўйича самарали дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

— **Инклюзивликка эътибор:** рақамли саводхонлик дастурлари ижтимоий-иқтисодий келиб чиқиши ёки ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, ҳамма учун очиқ бўлишини таъминлаш миллий тараққиёт учун жуда муҳим.

— **Доимий мослашиш ва инновациялар:** рақамли саводхонлик дастурлари динамик бўлиши, технологик тараққиёт ва ўзгарувчан ижтимоий эҳтиёжлар билан ривожланиши керак.

Жанубий Корея ва Эстония тажрибаси, таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон учун рақамли саводхонликни ошириш борасида қимматли сабоқлар беради. Баркамол ва инклюзив ёндашувни қабул қилиб, эрта таълим, ўқитувчилар малакасини ошириш ва давлат-хусусий шерикликка урғу бериш орқали мамлакатимиз ўзининг рақамли саводхонлигини сезиларли даражада ошириши, халқимизни, айниқса, ёшларимизни сунъий интеллект ва рақамли технологиялар ҳукмрон бўлган келажакка тайёрлаши мумкин.

### Истиқболли келажак

Мамлакатимиз бугунги кунда қабул қилинган қарорлар ва ҳаракатлар унинг келажагига сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳал қилувчи нуқтада турибди. Рақамли трансформация ва сунъий интеллектга тайёрликни қабул қилиш нафақат технологик тараққиёт масаласи, балки миллий ривожланиш, хавфсизлик ва глобал миқёсда рақобатбардошлик учун стратегик заруратдир.

Яқин йилларда Ўзбекистон рақамли саводхон жамиятга айланиш салоҳиятига эга, сунъий интеллект турли соҳаларда, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқарув ва саноатда муҳим роль ўйнайди. Ушбу трансформация рақамли инфратузилмага доимий сармоя киритишни ҳамда таълим ва малака оширишга эътибор қаратишни талаб қилади.

Ҳар биримиз, айниқса, давлат бошқарувида хизмат қилаётган мутахассислар, илм-фан ва таълим тизими вакиллари мамлакатимиз учун рақамли саводхонлик ва сунъий интеллектга тайёрликни оширишда фаол бўлишимиз жуда муҳим. Ушбу фаол позиция нафақат янги технологияларни ўзлаштиришни, балки рақамли соҳада инновацияларни, танқидий фикрлашни ва ахлоқий мулоҳазани қадрлайдиган маданиятни ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур соҳадаги бугунги қадамларимиз ва ютуқларимиз мамлакатимизнинг сунъий интеллект ва рақамли технологияларга қанчалик самарали мослашиб ривожланишимизни белгилайди. Чунки бутун дунё тараққиёти рақамли дунё билан чамбарчас боғлиқ экан, мамлакатимиз ҳам ушбу динамик ва доимий ўзгариб бораётган манзаранинг муҳим иштирокчиси бўлиши шарт.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Kolorpak" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 672.
9800 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:32 Топширилди — 23:45